Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 31 март
ПАЙШАНБА
№ 73 (4.269).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

БОҒЛАР ФАЙЗИ

Жамиятимизнинг барча жабҳаларини чинакам революцион тарзда қайта қуриш жараёнининг учинчи йили баҳоридан бир ой ўтмоқда. Бу йилги март колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди бўлиб ўтган ой сифатида мамлакатимиз тарихига ёзилди. Ушбу анжуманда қишлоқ хўжалигидаги аҳвол чуқур таҳлил этилди, сўнгги пайтларда содир бўлган ижобий силжишлар таъкидланди ва коллектив хўжаликларни янада ривожлантириш йўллари белгиланди.

Съездда таъкидланганидек, экинлар ҳосилдорлигини бутун чоралар билан ошириш ҳозирги босқичда совет деҳқонлари олдида турган энг муҳим вазифадир. Бунга фақат фан ва илғор тажриба ютуқларининг кенг қўлланган ҳолда ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, агротехника талабларига риоя қилиш, она заминни ардоқлаш, унн кўз қорачиғидай асраш орқалигина эришиш мумкин.

Афсуски, турғунлик йилларида бу борада кўпгина камчиликларга йўл қўйилди. Бир паҳсалик мувaффақиятлар ва мукофотларга маҳлиё бўлиб қолган раҳбарлар ердан иложи борича кўпроқ юлишга ҳаракат қилдилар, эвазига ҳеч нарса бермадилар. Пахта майдонлари йил сайин кенгайтирилиб, бедазорлар ҳайдаб юборилди, маккажўхори эса далалардан қисиб чиқарилди, дарахтлар қўпорилди. Ана шундай номаъқулчиликлар оқибатида бир неча муддат ялпи ҳосил кўпайгандай бўлди, бироқ ҳосилдорлик пасайиб кетди. Ернинг тинкаси қуриб, ҳолсизланди.

Бундай яроқсиз иш тажрибаси қандай оқибатларга олиб келганлиги республикамиз мисолида яққол кўринади. Сўнгги йилларда асосий экин — пахта ҳосилдорлигн анча пасайди. 1987 йилда ҳар гектар ердан атиги 23 центнердан ҳосил олинди. Кўплаб колхозлар ва совхозларда ҳосилдорлик бундан ҳам пасайиб кетди.

Бу бободеҳқонларимизнинг азалий тажрибаларини менсимаслик оқибати ҳамдир. Ўлкамизда кучли шамоллар, чанг бўронларн ва гармсел экинларга катта зиён етказишини деҳқонларимиз азалдан жуда яхши билишган. Қадимда ўзбек деҳқонлари дала атрофини дарахтзорлар билан тўсишга интилганлар. Бу экинларни муҳофаза қилишнинг энг ишончли усули эканлигини фан аллақачонлар исботлаган. Территориянинг 80—85 процентида шамоллар эсиб турувчи бизнинг республикамизда ихотазорларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ.

Шамол эрозиясидан ана шундай катта зиён кўрилишига қарамай республиканинг баъзи регионларида яшнаб турган кўп қаторли ўрмон полосаларн кейинги 20—30 йил мобайнида батамом йўқ қилинди. Масалан, Фарғона областининг Қиров районида шундай бўлди. Албатта, бунинг учун табиат қаттиқ ўч олди. 1985 йил апрель—май ойларида эсган кучли шамол экинларни пайҳон қилди. Оқибатда 17,2 минг гектар майдоннинг 15,5 минг гектарида чигит қайта экилди. Табиий офатдан кўрилган зарар қарийб 3,5 миллион сўмга етди. Бухоро воҳасининг Қизилқумдан эсувчи гармселдан ҳимоя қиладиган Шофиркондаги машҳур кўпқаторли давлат ўрмон полосаси янги ер ўзлаштириш баҳонасида кесиб ташланди. Областда ҳар йили пахта тайёрлаш плани барбод этилаётганлигининг сабабларидан бири шунда бўлса ажаб эмас.

Бироқ ана шу ишларнинг ҳаммаси «Ўлкамизга — яшил либос!» шиори остида ўтказилганлиги қайратланарлидир. Ҳар йили барча областлар ва районларнинг раҳбар органларидан кўплаб миқдорда кўчатлар ўтқазилганлиги, янги хнёбонлар, боғлар, истироҳат боғлари бунёд этилганлиги ҳақида қулоч-қулоч рапортлар олинадн. Рақамлар салмоқли, баландпарвоз. Бир йилдан сўнг шаҳар ва қишлоқларимизни кўкаламзорлаштирши, дала ва яйловларни ихотазорлар билан ўраш юзасидан амалга оширилган улкан ишлар ҳусусида яна баралла сўзланадн. Шундай қилиб, ўтган икки беш йиллик мобайнида Ўзбекистонда миллиард тупдан знёд кўчат экилди. Албатта, бу маълумотлардагина шундай! Ҳисоблаб кўрилса, республика аҳолисининг ҳар бирнга элликтадан знёд дарахт тўғри келади, бироқ қани ўша ўрмонлар!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида сўзлаган нутқида: «Далаларимизни бегона ўт, биорократизм ва хўжасизлик, соцнал лоқайдлик ва масъулиятсизлик тиканзорлари босиб кетган эди. Уларни бир марта ўтоқ қилиш билангина йўқотиб бўлмайди. Қайта қуриш экаётган соғлом чигитларнинг депутатлари, комсомоллар, табиатни муҳофаза қилиш Ўзбекистон жамиятининг фаолларн кўп ишларни амалга оширишга даъват этилгандирлар. Ҳар тун ниҳол, ҳар тун дарахтга конкрет хишн бнркитилишига, яшил дўстларимизга бўлган ғамхўрлик сўз ва ҳисоботларда эмас, балки амалда намоён бўлишига эришиш муҳимдир.



Қўлдош Бойбеков — Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозининг тажрибали механизатори. У кўп йиллардан бери Робия Абдуллаева бошлиқ бригадада фидокорона ишлаб келаяпти. Бу коллектив жорий йилда 66 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан оқ олтин етиштиришга аҳд қилган. Моҳир техника жиловкори бригадада чигит экиш, қатор ораларига ишлов бериш, жўяк олиш ва машинада пахта териш ишларини бажаришга бел боғлаган. Культиваторини февралдаёқ сифатли ремонтдан чиқарганди, ҳозир уруғ қадашга шайлаб қўйибди. Хўжаликда эса 18 та сеялка, 13 чизел, 320 комплект борона ва бошқа машина-механизмлар экишга тахт.

СУРАТДА: механизатор Қ. Бойбеков.

Ғ. АЛИЕВ фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «1987—1988 йилларда капитал қурилишни материал ресурслари билан таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, капитал қурилиш экономикани ривожлантириш, партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари ишлаб чиққан кучли социал сиёсатни ўтказиш борасидаги ошиб бораётган вазифаларнинг ҳал этилишини ҳали тўла-тўкис таъминлаётгани йўқ. Уй-жойларни, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш ва маданият объектларини фойдаланишга топшириш анча ўсганн ҳолда меҳнат коллективларининг ишлаб топилган маблағлар ҳисобига уй-жойлар, социал-маиший объектлар қурилишини кўпайтириш иштиёқи рўёбга чиқарилмаяпти, шу мақсадда меҳнаткашларнинг шахсий жамғармаларидан етарлича фойдаланилмаяпти.

1987 йилда мамлакатнинг бир қанча регионларида қурилиш программаси учун металл, цемент, ёғоч-тахта, линолеум, санитария-техника ускуналари ва бошқа материаллар етишмади, бунинг натижасида уй-жой қурилиш плани умуман бажарилгани ҳолда кўплаб уй-жой бинолари ва социал объектлар фойдаланишга топширилмай қолди.

Бинокорлик материаллари ва ёғоч-тахтанинг кўпгина турларини, металл прокати ҳамда бошқа ресурсларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги катта қолоқлик капитал қурилишга ҳалал бераётган сабабларнинг биридир. Шу муаммо жуда ўткир бўлишига қарамай, СССР Госплани, СССР Госснаби, СССР Госстройи, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари қурилишнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга етарлича эътибор бермаяптилар.

Қурилиш министрликлари, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги янги корхоналарни барпо этиш, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги ишларни қониқарсиз олиб бормоқдалар, шу мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар мунтазам суратда ўзлаштирилмай қолмоқда. Кўпгина корхоналарда мавжуд қувватлардан дуруст фойдаланилмаяпти, ишлаб чиқарилаётган материаллар ва буюмларнинг сифати яхшиланмаяпти. Қурилишга материал сарфи секинлик билан камайтирилмоқда, ресурсларни тежаш борасидаги ишлар суст ташкил этилган.

Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Молдавия, Латвия, Тожикистон иттифоқдош республикаларида бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж ишларининг ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда. Астрахань, Волгоград, Горький, Липецк, Кемерово областларида, Чувашия ва Татаристон АССРда ҳамда РСФСРнинг бошқа бир қанча территорияларида ҳам аҳвол худди шундай. Министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари капитал қурилиш планлари ажратилаётган материал-техника ресурслари билан номутаносиб эканлиги хусусида шикоятлар билан КПСС Марказий Комитетига ва ҳукуматга мурожаат этиб, тайёрга айёрлик қилмоқдалар, қурилиш ҳамда, ақолига сотиш эҳтиёжлари тўла қондириладиган даражада бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан кўп иш қилаётганлари йўқ.

(Давоми 2-бетда).

Муаммо кўндаланг қўйилганда

ПОДАНИ КИМ БОҚАДИ?

Гапдан гап чиқиб, шаҳарлик дўстларимиздан бири ҳавас билан деди:

— Қишлоқларда, тоғ олди жойларда яшовчилар маза-да! Кўнгли тусаган нозу неъматлар ҳар доим муҳайё. Ҳаммасидан ҳам эрталабки иссиқ сут, мазали қаймоқни айтмайсизми! Бир пастда соғиб оладию, хоҳласа хомлаб симиради, истаса пиширнб ичади...

Бу гаплар менинг ёдимдаги кўп жумбоқларни жонлантириб юборди. Шу «бирпасда» муҳайё бўладиган роҳатга эришиш учун йил бўйи чекиладиган не-не машаққатлар кўз олдимдан бирма-бир ўтди. Одамларнинг сигир, қўй, эчки боқишлари, орзуманд оғайнимиз айтганидек, шунчалик осонмикан? Яхшиси, умумий гаплардан қочиб, икки қўшни қишлоқдаги аҳвол юзасидан мулоҳаза юритсак маъқул бўлар.

Эгаллаган жойлари, ҳатто номлари уйқаш— Хондайлиқ ва Сойлиқ қишлоқлари Бўстонлиқ районининг кунгай қисмидаги тоғ этакларидан ўрин олган. Иккаласи ҳам қадимий, истиқомат қилувчи хонадонлар сони ҳам деярли тенг. Аммо уларнинг ҳаёт тарзида, хусусан шахсий чорвачилик соҳасида туб айирмалар кўрамиз. Хўш, улар асосан нималардан иборат?

Чорва учун жуда қийин кечадиган қиш мавсуми тугашини ва подаларнинг далага ҳайдалишини барча орзиқиб кутади, албатта. Аммо Хондайлиқ қишлоғи аҳолиси бу мавсумга юрак ҳовучлаб келади. Подаларни далага ҳайдаш учун подахонага дастлабки кун ҳамма йиғилар экан, кўпчилкнинг кўнглида бир ташвиш кўндаланг туради: «Бу йил яна қанақа кўргиликларга дучор бўларкинмиз?!» Ҳар ким ўз дилини кемираётган ташвишларни баралла айтаверади: «Пода боқиш навбатига болакайларни чиқаришни бас қилайлик!», «Молларни эртадан кечгача тошлоқ жойларга қамаб келадиганлар навбатга қўшилмасин!», «Колхоз экинларига, қўшни — Сойлиқ қишлоғи боғ ва токзорларига подани киритиб юбориш оқибатида молларимиздан айрилаяпмиз, жарималар тўлаяпмиз, бу ҳол қачонгача давом этади?», «Қаровсизлик туфайли қанчадан-қанча молларимиз бўриларга ем бўлди...»

Одамларнинг дод-войларига далил тариқасида ўтган йили юз берган икки хунук воқеани ҳикоя қилиб ўтамиз. Бултур ёғингарчиликлар сероб бўлганлиги учун қалин ва баланд ўсган бугдойзорда беш-ўнта сигир оралаб юрарди. Улар бу билан ҳам нафсини тия олмай. ёнбағрининг қуйи қисмидаги бедазорга ўзларини урдилар. Ҳайвон — ҳайвонда! Қоринлари тирсиллаб кетганига қарамай, сигирлар кўм-кўк бедани иштаҳа билан ея-веришди. Бир маҳал отини чоптириб, колхоз қоровули келиб қолди. У сигирларни қувалаб ҳайдаганча, мол қамоқхонаси томон жўнади. Сигирлардан бири қувроқ экан, пайт пойлаб туриб тор кўча орқали қишлоқ ичкарисига қочди. Бундан баттар газаби тошган қоровул отини жони борича чоптириб, қорни тирсиллаб турган сигирни бетиним қувиб кетаверди. Жонивор жон аччигида бир дарвозани тарақлатиб очиб кирдию, устунда бойлоқлиқ турган бузоқчаси ёнига етгач гурсиллаб қулади. Аҳвол чатоқлигини кўрган қоровул отининг бошини шарт орқага бурибд, бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Яқингинада бузоқлаган сигир эса пичоққа ҳам илинмади...

Биринчи ўримга қадар ўсган кўкламги бедага тўйиб олган қорамолни қувиб ҳайдаш асло мумкин эмаслигини, бордию шундай ҳол юз бериб, сигирнинг қорни шишиб кетган тақдирда нафаси тиқилаётган жониворга дарҳол тиббий ёрдан кўрсатиш кераклигини қоровул жуда яхши биларди. Аммо у қилар ишни қилиб қўйиб, бамайлихотир ортига қайтиб кетди. Бунга асос бор: қоровул жавобгарликдан соқит. Уни колхоз раҳбарлари қўллаб-қувватлайдилар. «Керак бўлса молларнни боқиб юришсин, жуда тўғри қилгансан», деб мақтаб ҳам қўйишади.

Энди иккинчи воқеага ўтайлик. Хондайлиқ қишлоғи аҳолисининг ярми ўз қўй-эчкиларини тоққа қаровсиз ҳайдаб юбораверади. Улар авваллари истаган жойларида ёйилиб, кечқурун уй-уйларига ўзлари қайтиб келаверишди. Лекин кўп ўтмай қўй-эчкилар орасидан тоғда тунаб қолувчи «ташаббускорлар» ажралиб чиқди. Бора-бора бутун пода уларга эргашди. Майда мол эгалари: «Яхшилаб семираверишсин, бири кун ҳайдаб тушармиз», деган хомхаёл билан хотиржам юраверишди. Тоғнинг ҳам бўри отлиғ хўжайини борлиги ёдларига тушганда вақт ўтган эди. Юз-юзлаб қўй-эчкиларнинг суяк-саёғлари турли жойларда сочилиб ётарди. Бир хонадондан беш-олти, ҳатто ўн-ўн иккитагача майда мол бой берилди... Ҳолбуки, ўша оилаларнинг қозонларида ҳар куни гўшт қайнаётгани йўқ. Ўз бола-чақаларига сўйиб бериш учун кўзлари қиймаган қўй-эчкиларини улар қўшқўллаб бўриларга топширишди. Бу эртак ёки тўқима эмас, 1987 йилнинг куз ойларида рўй берган айни ҳақиқат.

Хўш, Хондайлиқ қишлоғидаги чорва моллари нега бундай бевош, қаровсиз аҳволда қолди? Бунинг ягона сабаби қишлоққа муқим подачининг йўқлигидир. Пода ҳайдаш мавсуми бошланиши билан мол эгаларининг куйиниб гапиришларида жон бор: йигирма-ўттиз кун орасида бир марта келадиган пода боқиш навбатини ҳамма ҳам виждонан адо этмайди. Кўпчилик бу вазифани қўл учида бажаради. Подани бошланғич синфларда ўқийдиган болаларга боқтирадилар. Катта ёшдагилар ҳайдаб жўнаган тақдирда ҳам кўздан овлоқроқ жойга етгач молларни қаровсиз қолдиришади. Шундай «эрк»ка эга бўлган чорва қандай қилиб бир тартибга кўниксин?! Бебошлиги, суқлиги оқибатида бу қишлоқда ҳар йилги пода мавсумида юзлаб қорамоллар ва қўй-эчкиларнинг нобуд бўлаётгани рост.

Бу масалада яна бир ажабланарли ҳангомага дуч келасиз. Хондайлиқ қишлоғидаги ташкилот ва муассасаларнинг оддий меҳнаткашлари, ҳатто айрим раҳбарларни ҳам вақти-вақти билан иш жойларидан тополмаймиз. Кечқурун йўлга чиқиб турсангиз, у таёғини судраб пода ҳайдаб келаётган бўлади. Мактабда ҳам гоҳ ўқитувчи, гоҳ ўқувчи подачилик қилади. Яна улар: «Пода навбати келиб қолган экан, шундан бир амаллаб қутулдик!» деб қўйишади.

Шу ўринда ўз-ўзидан савол туғилади: Хондайлиқ қишлоғида нега подачи йўқ? Қишлоқ фаоллари бу муҳим масалага нима учун эътибор бермайдилар?

Биз юқорида ҳикоя қилган — чорва моллари қирилиб кетган маҳаллаларда подачилик қилиш учун бошқа қишлоқдан бир оила талабгор бўлиб келган экан. Одамлар тўпланишиб, ҳар бош қорамол, қўй ва эчки учун меҳнат ҳақи белгилашибди. Бўлажак подачилар ҳам кўнишибди. Хуллас, шартнома тузилибди. Ҳамма тарқалгач беш-олти киши қолиб, подачиликни зиммага олганларни ҳар хил бўлмағур гаплар билан обдан қўрқитишибди: «Бу қишлоқдагилар ишлата-ишлата пул бермай кетишади», «Хотиржам яшай олмайсизлар, одамлар чатоқ...» Натижада подага талабгор бўлганлар шу куниёқ бу ердан жўнаб қолишибди. Ишбузармонлар қилмишининг сабаби маълум бўлди. Уларда рўй-хатга олинмаган кўплаб қорамол ва қўй-эчкилар бор эдики, подачига анча катта пул тўлашга тўғри келарди. Навбат билан боқилганда эса хоҳ ўнта, хоҳ битта қорамоли бўлсин, ҳамма тенг ишлайверади. Шу ҳолни кўра-била қишлоқдаги, қолаверса райондаги бу соҳа мутасаддилари томошабин бўлиб турибдилар... Подачи муаммосини ҳал этиш шу қадар мураккаб масалами?

Бу саволга жавоб ўрнида Хондайлиққа ён қўшни Сойлиқ қишлоғидаги тартибни айтиш мумкин. Сойлиқ қишлоқ Совети ижроия комитетининг анча йиллар олдинги раиси, колхоз правлениесининг ўша пайтдаги раҳбарлари бу муаммони жуда ўринли ҳал этганлар. Улар бу масала юзасидан пухта режа тузишиб, уни кўпчилик муҳокамасига қўйишган. Шундай қилиб, қишлоқ хонадонларидаги чорва моллари иккита подага тақсимлаб чиқилган. Ҳар бир подани навбат билан боқиш шарти асосида икки кишидан иборат подачилар тайинланган. Қорамол, қўй-эчкилар учун аниқ иш ҳақи, айтайлик, қорамолга 4—5 сўм, қўй ёки эчкига 1 сўм белгиланган. Бу тартибга одамлар ҳам, подачилар ҳам рози. Чунки подачиларнинг меҳнати қишлоқда муносиб тақдирланади. Қишлоқ катталари район Совети ижроия комитети раҳбарлари билан бамаслаҳат хонадонларнинг подачиларига бир қатор имтиёзлар белгилашган. Жумладан, уларнинг иши умумий меҳнат стажига ўтади, ўртача ойлик маоши икки юз сўмдан кам бўлмайди, бош план асосидаги майдондан қурилиш учун навбатсиз ер ажратиб берилади, хашак билан биринчи навбатда таъминланади ва ҳоказо.

Шахсий хонадонларнинг бу иши ижобий ҳал этилганлиги учун мазкур соҳада ортиқча гап йўқ. Қўлга бир бор ўрганган чорва моллари ювош ва итоатгўй. Шунинг учун ҳам қутилмаган нобудгарчиликлар рўй бермайди. Подачилар эса шахсий хонадонларнинг чорвасига ажратилган юз гектарча майдондан авайлаб, унумли фойдаланишади. Йилов-бойлигини ноўрин исроф қилиш оқибатида кейинчалик ўзлари қийналиб қолишларини улар жуда яхши тушунишади.

Умуман шахсий хонадонлар чорваси ва бу соҳа равнақи учун Сойлиқ қишлоғида яна бир қатор қулайликлар яратиб берилган. Колхозга амалий ёрдам кўрсатаётган хонадонлар дағал хашак, сомон билан таъминланади. Хизмат кўрсатган колхозчилар, уруш ва меҳнат ветеранлари, уруш даврида ҳалок бўлганларнинг оиласи кабиларга чорва озуқаси бепул берилади. Қишлоқдаги ветеринария пункти эса шахсий хонадонларнинг моллариии даволайди, наслини яхшилаш учун тинимсиз иш олиб боради...

Ғамхўрликларга жавобан Сойлиқ аҳолиси ўз эҳтиёжларидан ортиқча чорвачилик маҳсулотларини қабул пунктларига топширмоқдалар. Бу соҳадаги салмоқ йил сайин ошиб бормоқда. Бўстонлиқ районининг Сойлиқ қишлоғидаги бу яхши тажриба республика миқёсида жорий қилинса арзийди. Афсуски нафақат район, балки республика Агросаноат давлат комитетининг бу соҳа мутасаддиларн шахсий хонадон чорвачилигига оид жумбоқли масалалар юзасидан аниқроқ тасаввурга эга эмас. Бу иш билан шуғулланувчи бўлим ходимлари биз билан суҳбат чоғида бирон-бир тайинли йўл-йўриқ кўрсата олмадилар. Республика миқёсида бунақа «икир-чикир»лар билан шуғулланишга уларнинг балки вақтлари йўқдир? Район ёки қишлоқ раҳбарлари-чи? Улар ҳам муқим подачи топиш йўлида тўғаноқ бўлиб турган яширинча чорва молларини фош этиш каби ишлардан нега ўзларини четга тортишади? Ёки «қишлоқчилик, юз-юзга тушади» деган андишалар бунга йўл бермаяптими? Шахсий хонадонларнинг пода-пода моллари қирилиб кетаётганлиги шу юзхотирчилик оқибати эмасмикан?! Хуллас, бу мавзу чуқур мулоҳаза юритишни талаб қилади. Негаки хўжалик шахсий бўлгани билан манфаати умумий.

Асад АСИЛОВ.

М. С. ГОРБАЧЕВ А. НАТТА БИЛАН УЧРАШДИ

29 март куни КПСС Марказий Комитетида КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Италия Компартиясининг Бош секретари Алессандро Наттанинг учрашуви бўлди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добрнин, ИКП раҳбариятининг аъзолари Ж. Наполитано ва А. Рубби, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари В. В. Загладин ва А. С. Черняев, ИКП Марказий Комитетининг аъзоси Р. Сандри қатнашдилар.

КПСС билан ИКП ўртасидаги дўстона, тенг ҳуқуқли, рўй-рост, иззат-ҳурматли муносабатларнинг характеридан мамнуният изҳор этилди.

Салкам 6 соатлик суҳбатда ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди. Европада НАТО ва Варшава Шартномаси, Европа иқтисодий ҳамжамияти ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари ўртасида кескинликни юмшатиш ҳамда ҳамкорлик муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

Биз Ғарбий Европадаги интеграция жараёнларига фақат танқидий назар билан қараётганимиз йўқ, унинг ҳамма жиҳатларини кўриб турибмиз, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Биз фақат шу жараёнларни ҳарбийлаштириш йўлидаги уринишлардангина хавфсираяпмиз, Бу уринишлар қурилиши пойгасининг янги даврасн бошланишига олиб бориши мумкин.

Суҳбатдошлар Европа қитъасида иккала ҳамжамиятнинг ҳам, алоҳида давлатларнинг ҳам позицияларидаги мавжуд тафовутларнинг табиий характерини англаб, оддий қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш, шу жараён устидан назорат ўрнатиш муаммолари хусусидаги музокараларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидладилар, бу эса иккала томоннинг мудофаа сиёсатига ҳам ижобий таъсир ўтказиши лозимлигини айтдилар. М. С. Горбачев Вена учрашувининг навбатдаги даврасн якунлари ҳақида ахборот бериб, шу йилнинг ўзидаёқ амалий натижаларга умид боғлаш имконини берадиган муайян ижобий силжишларни уқтириб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

М. С. Горбачевнинг Совет-Америка конференцияси қатнашчиларига табрикномаси

Ўзларини раккa қарши курашга бағишлаган атоқли олимлардан иборат Совет—Америка телеконференцияси қатнашчиларини табриклайман.

Муаммо умуминсоний аҳамиятга эга эканлиги яққол кўринib турибди. Ҳозир дунёда мана шу оғир хасталикдан халос бўлган мамлакат йўқ. Афсуски, унинг жабрдийдалари сони ҳам камаймаяпти.

Онколог мутахассисларнинг анча қисми бизларнинг икки мамлакатимизда жамланган. Улар хатарли шишларнинг ривожланиш сабабларн ва механизмларини ўрганишда, уларнинг олдини олиш ва даволаш методларини ишлаб чиқишда кўпгина ишлар қилишди. Муайян натижаларга эришилдики, миллионлаб кишиларнинг қутқариб қолинганлиги шундан далолат беради.

Аммо душман ҳали енгилгани йўқ, у чекинмаяпти. у ҳар бир кишига таҳдид қилаяпти, зотан унга қарши курраш биргаликда фаол ҳаракат қилишни тақозо этади.

Совет—Америка музокараларида, шу жумладан олий даражадаги музокараларда, кўп томонлама Хельсинки ёғимлари тўғрисидаги турли анжуманларда биз медицина ва соғлиқни сақлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга доимо эътибор бериб келмоқдамиз. Ҳозирги даврда бу яиҳоятда муҳим ва зарурдир.

Реал қуролсизланишда ишлар қанчалик тезроқ юришиб кетса, ҳам миллий, ҳам жаҳоншумул муаммоларни, шу жумладан рақни ва бошқа ҳалокатли касалликларни тугатиш муаммосини ҳал этиш учун маблағ шунчалик кўпаяди, албатта.

Телеконференциянинг қатнашчиларига ва улар орқали барча совет ҳамда америка медикларига Совет ва Америка фуқароларининг сиҳат-саломатлиги манфаатлари йўлида, ер юзидаги барча инсонларнинг манфаатлари йўлида яхши, самарали ҳамкорлик қилишларини тилашга ижозат бергайсиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошн 1-бетда).

КПСС Марказий Комитети капитал қурилишнинг моддий-техника базасини жадал ривожлантириш, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифалари барча марказий ҳамда маҳаллий органларнинг фаолиятида энг асосий ўрин олишини талаб қилди.

СССР Госплани, СССР Госстройи, СССР Министрлар Советининг доимий органлари, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари раҳбарларига бинокорлик материаллари, буюмлари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқаришдаги қолоқликка аввало уларнинг илғор турларини тайёрлаб чиқарувчи қувватлар барпо этиш йўли билан барҳам беришга доир амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди. Бинокорлик материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг илғор турлари қурилишнинг индустриал даражасини анча оширади, материал сарфини камайтиради ҳамда унинг сифати ва пишиқ-пухталигини яхшилайди. Ушбу масалалар юзасидан партия ва ҳукумат қарорлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш таклиф этилди.

СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг, СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигининг, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигининг ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг диққат-эътибори технология машина-ускуналарини, санитария-техника буюмлари, линолеум ишлаб чиқариш топшириқлари бажарилмаганига қаратилди ҳамда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини 1988 йил биринчи ярмида тўлдириб олиш таклиф қилинди.

СССР Госпланига, СССР Госстройига, СССР Министрлар Советининг машинасозлик бюросига, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигига капитал қурилишнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун технология машина- ускуналари ва техника ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, 1988 йилда ишга тушириладиган объектларни ускуналар билан таъминлаш чораларини кўриш топширилди.

СССР Шимолий ва Ғарбий районларида Қурилиш министрлиги, СССР Урал ва Сибирь районларида Қурилиш министрлиги, СССР Жанубий районларида Қурилиш министрлиги, СССР Шарқий районларида Қурилиш министрлигининг, СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг, Украина ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Озарбайжон ССР, Молдавия ССР Қурилиш министрликларининг ўз ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга, материаллар, буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш ҳамда ишга туширишга нисбатан муносабатига йўл қўйиб бўлмайди, деб топилди. КПСС Марказий Комитети шахсан министрлардан ҳар бир қурилиш, ҳар бир корхона бўйича планлар ҳамда белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилишини таъминловчи чоралар кўришни талаб қилди.

Шу нарса уқдириб ўтилдики, 1988 йил учун ресурсларни тежаш борасида қабул қилинган программани сўзсиз рўёбга чиқариш, лойиҳа ечимларини қайта кўриб чиқиш ва уларни тубдан такомиллаштириш, қурилишнинг материал сарфини камайтириш соҳасидаги амалий ишларни авж олдириш СССР Госстройининг, капитал қурилишни амалга ошираётган министрликлар ва идораларнинг ғоят муҳим вазифасидир. Барча меҳнат коллективларини мана шу жуда муҳим давлат ишига сафарбар қилиш, ички хўжалик ҳисобини ҳамда сарф-харажатларни ҳисобга олишнинг чек системасини тезроқ жорий этиш асосида уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш системасини такомиллаштириш тавсия этилди.

СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ҳамда шахсан министр ўртоқ С. Ф. Военушкин капитал қурилишни материаллар билан таъминлаш, халқ хўжалигининг ҳамда аҳолининг юқори сифатли маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш борасида вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриши шарт. Корхона ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини мавжуд қувватлардан тўлатўкис фойдаланишга, иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланган ҳолда илғор конструкциялар ҳамда пардозлаш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилишга қаратиш тавсия этилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига регионлар маҳаллий хомашёдан фойдаланиб, бинокорлик материаллари ва буюмлари билан ўзини ўзи мумкин қадар кўпроқ таъминлаши мақсадида қурилиш индустрияси ҳамда бинокорлик материаллари саноати корхоналарини қуриш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, реконструкциялаш ва тўла қувват билан ишлатиш программасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш таклиф қилинди. Республика ҳамда территориал қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш ҳамда ундан яхшироқ фойдаланиш чораларини кўриш топширилди.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларининг зиммасига бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш планлари бажарилиши, партия ва ҳукуматнинг капитал қурилиш моддий-техника базасини янада ривожлантиришга доир қарорлари рўёбга чиқарилиши устидан контролни кучайтириш вазифасини юклади. Маҳаллий таъминот органларининг чаққон ва аниқ-пухта ишлашларига, қурилишлар ва корхоналарда жуда қаттиқ тежамкорликка эришиш тавсия қилинди.



Тоҳир Сайфиддинов бошлиқ бригада деҳқонлари Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида биринчи бўлиб маккажўхори экишга киришдилар. Жорий йилда хўжаликда 300 гектардан зиёд майдонга ана шу экин уруғи қадалади. Муҳим бу тадбир беш иш кунида тугалланади.

СУРАТДА: бригада саркори Тоҳир Сайфиддинов (чапдан), ишчи Тоир Раббиев ва агроном Бозор Холиқов экиш сифатини кўздан кечиришаяпти.

И. ХЎЖАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

СУТ ВА СТАТИСТИКА

Республикада сут тайёрлаш ва уни харид қилиш ўтган йилга нисбатан жадал суръатлар билан бормоқда. Март ойининг охирида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли 9 минг тонна кўп маҳсулот олинди. Айниқса Қашқадарё ва Навоий областларн хўжаликларида кўп сут соғиб олинди. Умуман, бугунги кунда бирорта область йўқки, чорвадорлар янада юксак марраларни эгаллаш учун курашмаётган бўлсалар.

Агар ўтган йилнинг биринчи квартали план бўйича 170 минг тонна атрофида сут олинганини, бу йилнинг биринчи квартали плани эса 200 минг тоннадан кўпроқ сут тайёрланганини ҳисобга оладиган бўлсак, масаланинг нохушроқ томони ойдинлашиб қолади. Йилнинг дастлабки уч ойи планини бажариш учун 20 минг тоннага яқин сут етишмайди. Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Тошкент областларининг ферма меҳнаткашлари етарли даражада суръатга эришмадилар, шу сабабли апрель бошланишига қадар шунча маҳсулотни харид қилиш мумкин бўлармикин? Баҳоргача озуқа етишмай қолди деб баҳона қилиб бўлмайди. Чунки ўтган йили ем-хашак кўп бўлди, талайгина хўжаликлар бир ярим йиллик, ҳатто икки йиллик ем-хашакни жамғариб қўйган эдилар. Қолоқларга қишловни яхши ўтказиш учун баҳордаёқ ишга киришиш зарурлигини эслатиб қўйишни хоҳлардик, холос.

БОҒЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Жиззах область деҳқонлари ажойиб ташаббус билан чиқиб уни амалга оширабошладилар. Катта Ўзбекистон тракти бўйлаб Жиззахга кираверишда 6 километр узунликда, эни 50 метр бўлган мевали боғлар ва узумзорлар бунёд этилмоқда. Бу ердаги ҳар бир участка областдаги барча районларга тепа-тенг бўлиб берилган. Мазкур районларнинг вакиллари кўчатларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Шундай қилиб, ҳар бир районда қўшимча равишда яна 300 гектарга яқин ерда боғ-роғлар пайдо бўлди. Бу боғлар яқин йиллар ичида ҳосил бера бошлайди, йўл ёқасида илгари бўш ётган ерлар киши кўзини қувонтирмоқда. Область марказига олиб борадиган катта кўчанинг икки тарафи ям-яшил ва гўзал.

ИЛ БЎЙИ САБЗАВОТ

Чуст кооператорлари тайёрлаган тузламалар харидорларга манзур бўлди. Шунинг учун ҳам улар тузлама тарвузларни, помидор, ва карамларни кам тайёрланганликларидан афсусланмоқдалар. Тошкент, Ангрен, Наманган ва албатта, Чустда яшовчи аҳоли бу маҳсулотнинг юксак сифатли тайёрланганлигини тан олди. Қиш бошланганидан бери 75 тоннадан ортиқ тузланган карам сотилди.

Минг тонна сиғимли янги сабзавот омбори ишга туширилиши натижасида Чуст районн аҳолисини бутун қиш давомида янги узилган ва тузланган сабзавотлар билан, шунингдек хўл мевалар ҳамда картошка билан таъминлаш имконияти туғилди. Матлубот жамияти магазинларида ана шу маҳсулотларнинг сотилиши бозор нархларининг пасайишига сезиларли таъсир қилди.

Ҳозир яна бир ана шундай омбор қурилмоқда. Эндиликда Наманган областидаги бундай иншоотларнинг умумий қуввати 13 минг тоннани ташкил этади. Бу эса аҳолини йил давомида мева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

(ЎзТАГ).

Фикрингизни билмоқчимиз

ДОН УЧУН МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ МУДДАТИ ТЎҒРИ ТАНЛАНГАНМИ?

Кўп йиллар давомида республикамиз хўжаликларида дон учун маккажўхори эрта баҳорда — асосан март ойининг охирларида ва апрелнинг бошларида экилиб, ундан сурункасига паст ҳосил олиб келинмоқда. Ҳатто яхши, унумдор ерларда зарур агротехник тадбирлар ўз вақтида, сифатли ўтказилган ҳолларда ҳам ҳосилдорлик гектарига 50—60 центнердан ошган эмас.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Шуни қайд этиб ўтмоқчимизки, эрта муддатларда экилган маккажўхори экинининг бош чиқариб гуллаши, сўтага айланиши ҳавонинг энг иссиқ кунларига тўғри келмоқда. Масалан, июль ойида ҳаво ҳарорати 45—46 даражани ташкил қилиб, ўртача суткалик ҳарорат 28—29 даража атрофида бўлади. Маккажўхорининг меъёрида ўсиб ривожланиши учун вегетация даврида ҳавонинг иссиқлик даражаси камида 10, ошиб кетса 30 даража бўлиши керак. Кўриниб турибдики, ҳосилга ўтиш даврида ҳарорат 30 даражадан ошиб кетса, ўсимликнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатар экан. Бундай пайтда ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади.

Кўпчилик олимларнинг кузатишлари ва ўрганишлари натижасида ҳавонинг юқори ҳарорати 27 даража бўлганида маккажўхорининг чангланиш даражаси 65—70 процентни ташкил қилган. Янги аниқланишича ҳарорат 38 даражага кўтарилганида эса бу миқдор 8—10 процентдан ошмаган. Қаранг, орада қанчалик тафовут бор.

Юқори ҳароратда, айниқса намлилик даражаси етарли бўлмаган тупроқларда ўсимликнинг ривожланиш жараёни секин кечади. Бунинг устига ана шундай шароит ундаги чанглантирувчи донаколарни яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Шунингдек, оналик чангланиш органларида сувсизланиш, сўлиш пайдо бўлади, натижада оталик чангини қабул қилиш қобилияти йўқолади.

Ўсимликларда бундай жараённинг кечиши охир оқибатда сўталарда донларнинг тўлиқ бўлмаслигига олиб келади, ҳосилдорлик пасайиб кетади.

Шундай экан, нима учун маккажўхори ўсимлигидаги ана шундай биологик жараёнларни ҳисобга олмасдан тахминий иш юритамиз, деҳқончилик структурасининг бузилишига, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига йўл қўямиз? Ахир Ўзбекистонда деҳқонлар маккажўхори донидан юқори ҳосил етиштиришни ўтиш даврида ҳарорат 30 даражадан ошиб кетса, ўсимликнинг ривожланиши учун ниҳоятда қулай шароит яратади.

Бундан ташқари август—сентябрь ойларида сув таъминслиги анча камаяди. Демак, сувсевар ўсимлик ҳисобланган маккажўхорини ўз вақтида, тез-тез суғориб туриш, ернинг нам сақлашини тўлиқ таъминлаш имконияти туғилади. Ана шу тадбирларнинг бари маккажўхори донидан юқори ҳосил олиш имкониятини бериши муқаррар.

Бу сатрларни ўқиган газетхонларда маккажўхори ҳосилдорлигини оширишнинг қулай вақти, қулай шароити бор экан, нимага бу тадбирларни амалга оширишда сансалорлик қилиб келинаяпти, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Фикримизни аниқравшан баён этиш учун шуни айтмоқчимизки, маккажўхори донини йиғиб олиш пахта терими билан бир даврга тўғри келиб қолмаслиги, бирбирига халақит бермаслиги учун бутун республикамизда унинг экилиши учун битта муддат қабул қилинган. Афсуски, бу муддат ўзини оқламаяпти.

Республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойида маккажўхори ҳосилини кескин ошириш муаммоси кўндаланг қилиб қўйилди. Шундай экан, экинни экиш муддатларини, ўрим-йиғим ва бошқа муаммоларни аниқравшан режалаштирадиган олимларимиз, мутахассислар, деҳқонларимиз қандай фикрда эканликларини билмоқчийдик. Келинглар, азизлар, шу ҳақда жиддий ўйлаб кўрайлик.

Жаҳонгир ҚУРБОНОВ, «Джизакстепьстрой»га қарашли «Джизакцелинхлопок» трестининг директори, агроном.

М. С. ГОРБАЧЕВ А. НАТТА БИЛАН УЧРАШДИ

(Бошн 1-бетда).

М. С. Горбачев билан А. Натта Европанинг шарқи билан ғарби ўртасида самарали мулоқотни ва барча соҳалардаги янада активроқ ҳамкорликни ривожлантириш керак, деган фикрни билдирдилар. Шу муаммоларни чуқур ўрганиш мақсадида КПСС билан ИКПнинг раҳбарлари аралаш тадқиқот группаси тузиш ҳақида келишиб олдилар, бу группанинг ишида Европадаги бошқа сиёсий кучлар бемалол қатнашишлари мумкин.

Бизнинг партиямиз ва мамлакатимизнинг Европага, Европа муаммоларига муносабати, деди М. С. Горбачев, биз ўзимизни энг аввало европаликлар, деб ҳисоблашимиз билан белгиланади. Биз «Умумевропа хонадони» ҳақида гапирганимизда айрим мамлакатлар ёки уларнинг гуруҳлари ўртасида объектив равишда вужудга келган ҳамма тафовутлар бу «хонадон»да сақланиб қолишига асосланамиз. Аммо биз шу тафовутларнинг ҳаммасини кўриш билан бирга бутун Европа тарихий, маданий, иқтисодий ва илмий-техникавий омиллар билан ўзаро боғлиқлигини равшан англаб турибмиз. Ҳаммамизнинг тақдиримиз муштаракдир.

Биз Европа муаммоларининг бутун мажмуасини муҳокама қилишни назарда тутиб, «давра суҳбати» ўтказишни таклиф ҳам қилган эдик, деб эслатди М. С. Горбачев. Бу суҳбатда турли мафкуравий маслакка мансуб бўлган, Европанинг жамики сиёсий оқимларини ифодалайдиган кучлар қатнашишлари мумкин. Нуқтаи назарлар жуда ҳар хил бўлади, аммо улар ўртасидаги умумийликни қидириб топиш, муросага келиш йўлларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Бу нормал, боз устига зарур жараёндир. «Давра суҳбати»нинг ўтказилиши қитъанинг тақдири ва истиқболлари тўғрисида бутун Европа миқёсида фикр-мулоҳаза юритишга салмоқли туртки берган бўлур эди.

Итальян ўртоқларнинг илтимосига биноан М. С. Горбачев совет жамиятида қайта қуриш вақтида рўй берган ўзгаришлар якунини умумлаштириб таърифлади, партия қайта қуриш назариясини қандай ишлаб чиққанини ва уни сиёсатда рўёбга чиқарганини, «Социализм кўпроқ бўлсин — демократия кўпроқ бўлсин» шиорини тимсол қилиб олган концепция қандай вужудга келганини айтиб берди.

Биз ўтмишдан хулоса чиқариб олдик, олдинги ислоҳот қилишга уринишлар ярим-ёрти, қисман, нокомплекс бўлганлиги учун, оммани фаол жалб этиш кўзда тутилмаганлиги учун амалга ошмай қолганини ҳисобга олдик. Ҳозир биз қайта қуришни амалга оширишда деярли бутун жамият иштирок этишини кўзда тутмоқдамиз.

Қайта қуриш жараёнлари авж олиб бормоқда. Халқ ўзини эркин ҳис эта бошлади. Биз демократия, ошкоралик кенгайиб бораётган шароитда яшашни ўрганмоқдамиз. Бу эса баъзан айрим кишиларда шубҳа туғдирмоқда. Баъзи бировлар: социализм вайрон бўлмаяптими? — деб сўрамоқдалар. Аммо қандай социализм? Қотиб қолган, бюрократик социализм ҳақида гап бораётган бўлса, бундай социализм вайрон бўлмоқда. Ижодий социализм, чинакам Ленин ғояларида асосланган социализм, меҳнаткаш инсон ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тузум эса вайрон бўлаётган йўқ, балки ривожланиб бормоқда.

Ҳозир биз ғалати манзарага дуч келмоқдамиз: қайта қуришнинг ички муҳолифлари ва унинг ташқи душманлари гўё бирлашиб кетмоқдалар. Булар ҳам, улар ҳам шубҳа уруғини сочишга уринмоқдалар. Аммо бу бизни чўчита олмайди. Биз фақат олға боришимиз кераклигини аниқ биламиз. Қайта қуриш бўлмаса, унинг ўрнини турғунлик, кризис эгалайди, ана унда социализм тақдири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бизнинг вазифамиз мураккаб муаммоларни ҳал этиб, жамиятимизни бўлиб юбориш эмас, балки уни янада бирлаштиришга эришишдан иборат. Шу сабабли барча муаммоларни демократик йўл билан, халқ билан биргаликда ҳал этамиз, меҳнаткашлар билан биргаликда ҳаракат қилаверамиз. Бизда қайта қуриш бошланиши биланоқ ҳамма ишни партиядан бошлаймиз деган принцип аниқ намоён бўлди. Партия туб ўзгаришлар зарурлигини тушуниб етди, у қайта қуриш сиёсатини олға сурди. Эндиликда биз ижтимоий тараққиёт жараёнларидан орқада қолиш хавфли эканлигини биламиз. Ҳозир, қайта қуриш давомидаёқ бирор ишда орқада қолинса, фурсат қўлдан берилса, чалкашлик, тартибсизлик бошланади. Биз яна шунга ишонамизки, партия энг қийин масалалардан, жумладан, фақат биз учун эмас, шу билан бирга қардош партиялар учун ҳам мафкуравий кураш нишонига айланган ва бизнинг тарихимиз билан боғлиқ бўлган қийин масалалардан ўзини четга олмаслиги зарур.

М. С. Горбачев бўлажак Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси билан боғлиқ режаларга тўхталиб, қайта қуриш жараёнларини чуқурлаштиришда, қилинган ишларга танқидий баҳо беришда ва ўзини оқламаган ишларни тўғрилаб олишда бу конференция ўйнаши лозим бўлган ролни таъкидлаб ўтди. КПСС жамиятнинг сиёсий авангарди ролини бажаришга қатъий аҳд қилган, бошқарув, маъмуриятнинг вазифаларини бошқа органлар, энг аввало Советлар бажариши керак. Советлар — революциямизнинг, халқнинг буюк ижоди, аммо унга янги ҳаёт бахш этиш керак. Конференцияда бутун жамиятни демократиялаш ва партия ички демократияси масалаларини батафсил кўриб чиқамиз.

А. Натта италиялик ўртоқлар совет жамиятини, СССРнинг халқаро сиёсатини янгилашга қаратилган куч-ғайратларни диққат билан кузатиб турганликларини, зўр қизиқиш билан қараётганликларини ва астойдил ижобий баҳо бераётганликларини таъкидлади.

Ҳамма соҳаларда чинакам демократиялаш йўлида ана шу куч-ғайратларни бундан буён янада авж олдириш халқаро муносабатларнинг янги эволюциясига муҳим ҳисса қўшиш мумкин, деди ИКП Бош секретари. Шу сабабли бу куч-ғайратларга Италия коммунистлари, бутун Европадаги кенг табақалар ва демократик кучлар ҳам тажрибалари ва концепцияларининг ўзига хослигига, ИКПнинг позициясига қарамай, ижобий баҳо бермоқдалар.

Регионал можароларни, аввало, Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш масалалари муҳокама қилинди. М. С. Горбачев, биз ана шу можароларнинг тариҳини, фожиали тажрибасини таҳлил қилиб, бу можароларни ҳарбий йўл билан тўхтатиб бўлмайди, деган хулосага келдик, деб таъкидлади. Уларни ҳал этиш учун сиёсий усуллар зарур. Яқин Шарққа келганда эса, кўпчилик давлатлар каби биз ҳам халқаро конференцияни чақириш вазиятни бартараф этишнинг бирдан-бир йўли деб ҳисоблаймиз. Ана шу конференция доирасида хилма-хил кўп томонлама ва икки томонлама музокаралар олиб бориш мумкин. Бироқ Фаластин муаммосини адолатли ҳал қилмай туриб ва Фаластин халқининг иштирокисиз вазиятни чинакам бартараф этиб бўлмайди. Конференцияга тайёргарлик ва уни ўтказиш доирасида СССР билан Исроил ўртасидаги нормал муносабатларни тиклаш йўли ҳам топилади.

Биз амалий ҳамкорлик қилишга, шу жумладан америкаликлар билан амалий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Ҳозир биз мазкур масала юзасидан Э. А. Шеварднадзе билан Ж. Шульц ўртасида бўлган ўтган суҳбат натижалари ҳақида ўйлаяпмиз.

Афғон масаласи ҳам тилга олинди. М. С. Горбачев Женева музокараларининг ҳолати ҳақида ахборот берди, совет раҳбариятининг ишни охиригача етказишга аҳд қилганлигини айтди.

Пировардида М. С. Горбачев билан А. Натта бўлиб ўтган мулоқот, унинг мазмунидан, бу мулоқотга хос бўлган ўзаро ҳурмат муҳитидан чуқур мамнуният изҳор қилдилар. Бу мулоқотни бундан буён ҳам амалий ривожлантириш истаги билдирилди.

М. С. Горбачев Италия коммунистларига, меҳнаткашларига самимий салом топширишни илтимос қилди. Италияга бориш ниятини тасдиқлади. А. Натта қайта қуришни амалга оширишда КПССга астойдил муваффақиятлар тилашини изҳор қилди.

(ТАСС).

МАКСИМ ГОРЬКИЙ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Алексей Максимович Горькийнинг тарихий тақдири революцион пролетариатнинг ҳаёти ва кураши билан чамбарчас боғлангандир. Худди ана шу омил туфайли санъаткор даврнинг илғор ғояларидан бахраманд бўлибгина қолмай, халқ оммаси озодлик ҳаракатининг ёрқин ифодачисига, В. И. Ленининг маслакдоши, содиқ дўсти ва сафдошига ҳам айланди.

Горькийнинг доҳиёна меросига давр ўз ҳукмини ўтказа олмайди. XX аср ниҳоясига етиб келган ҳозирги кунларда ҳам социалистик маданият бунёдкорларидан бири бўлган санъаткор, инқилоб бўрон қуши образи илгари бўлганидек ҳозир ҳам ҳаётни маънавий янгилаш, ҳаётда содир бўлаётган социалистик ўзгаришлар, ижодий шижоат ва матонатнинг рамзи бўлиб турибди.

Улуғ сўз санъаткори, атоқли гуманист ва ватанпарвар, халқлар дўстлиги учун толмас курашчи А. М. Горький таваллуд топганидан буён орадан 120 йил ўтди. 28 март куни Москвада, Тверь ҳиёбонидаги СССР Москва бадиий академик театри биносида бўлган тантанали мажлис ана шу шонли санага бағишланди.

М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев ўртоқлар президиумга чиқадилар. Машҳур ёзувчилар, олимлар, санъат устalари, меҳнат коллективлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам минбардан жой оладилар.

Совет адабиётининг дунёга келиши, унинг дастлабки қадамлари ва шундан кейинги тарихи Горький билан боғлиқдир, у ҳозир ҳам адабий жараённинг жонли қатнашчисидир, деди тантанали мажлисни очар экан, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов. Инсоннн тарихнинг фаол бунёдкори сифатида кўрсатиш, инсоннинг ҳаётга янгилик бахш этиш имкониятларини очиб бериш керак — Горький бизга шундай деб ўргатмоқда, унинг ана шу сабоқларини биз бугунги воқелигимизда ҳам ўзлаштириб бораяпмиз.

Революцион тафаккур ва бадиий образ бирлиги — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев ўз нутқининг мавзуини шу тарзда белгилади. Ленининг инқилобий даҳоси революцион иш назарияси, стратегияси, практикаси соҳасида рўёбга чиқарган ишлари Горький худди ёнма-ён бориб, ўзининг бадиий ижодида юзага чиқарди. Инқилобий даврнинг ана шу машҳур арбоблари, руҳият даҳолари XX аср тарихига революция доҳийси, Совет давлатининг раҳбари ва атоқли санъаткор самарали муносабатларининг классик намунаси бўлиб кирдилар. Горький ўзининг бадиий сўзи билан В. И. Ленининг ёзувчининг бурчи, адабиётнинг вазифаси, унинг инқилобий мафкура билан алоқаси зарурлиги, унинг партиявийлиги, халқчиллиги, адабиётнинг жамият ҳаётидаги амалий ўрни тўғрисидаги ғояларини акс эттирди.

«Айни Горький адабий ижодиёт ғояси билан ўн тўққизинчи асрни йигирманчи аср билан ўзаро боғлади». СССР Фанлар академияси жаҳон адабиёти институтининг директори Ф. Ф. Кузнецов тантанали мажлисда доклад қилар экан, Леонид Леоновнинг ана шу сўзларини эслатди. Ёзувчи яратган образлар — ишчининг беваси Пелагея Ниловна ва унинг ўғли Павел Власов, кампир Акулина Ивановна ва Алеша Пешков, этикдўз Григорий Орлов ва новвой Коновалов сингари ҳам, Лев Толстой ва В. И. Ленининг бадиий портретлари ҳам, «Артамоновлар иши», «Егор Буличов ва бошқалар» сингари асарлар ва ниҳоят, XX асрнинг буюк эпик романи «Клим Самгиннинг ҳаёти» ҳам асрларга татигулик ижод намуналаридир.

РСФСР Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Ю. В. Бондарев, Латвия Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Я. Я. Петерс, «Новий мир» журналининг бош редактори С. П. Залигин, Украина Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Б. И. Олейник совет адабиёти асосчиси ижоди мисли сез аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирдилар.

Тантанали мажлисдан сўнг Москва бадиий академик театри Горькийнинг «Тубанликда» пьесаси асосида саҳналаштирган спектаклни кўрсатди.

* * *

Шу куни улуғ пролетар ёзувчиси хотирасига бағишланган тантанали йиғилишлар Киев, Горький ва бошқа шаҳарларда ҳам бўлиб ўтди.

(ТАСС).

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ШТАБИДА

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов раислигида Ленинча Коммунистик шанбаликни ўтказиш республика штабининг мажлиси бўлди. Тошкент шаҳар партия комитети, республика Қурилиш министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ахборотлари тингланди.

Республика меҳнаткашлари мамлакатимиздаги илғор коллективларнинг ленинча шанбалик ўтказиш ташаббусларини актив қўллаб-қувватлаганлигини таъкидлаб ўтилди. Хом ашё ва энергетика ресурсларини тежаш, комплектловчи деталларни жамлаб қўйиш байрамга тайёргарликдир. Қурилишларда кенг меҳнат жабҳаси яратиш чоралари кўрилмоқда. Лекин шанбаликни ўтказиш штаблари ҳамма жойда ҳам тўла куч билан ишламаяпти. Тошкентдаги бир қанча корхоналарда эса бундай штаблар эндигина тузилмоқда.

Ҳозирги йил фаол қайта қуриш йилидир. Шанбаликни ўтказишда ҳам номига иш қилиш ва расмиятчиликдан қутулиш керак. Шанбалик кунида ишлаб чиқариш ўз олдидаги асосий вазифани ҳал этиб кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот етказиб бериш учун ой охирида хом ашё ва материаллар, сув ва энергетика ресурслари билан таъминлашда узилиш бўлмаслиги жуда муҳимдир.

Шанбалик арафасида ҳисоб-китоб ишларида ҳам тартиб ўрнатиш зарур. Корхона манфаатларини кўзлаб меҳнат байрами кунида эришилган кўрсаткичларни пасайтириб кўрсатиш практикасига йўл қўйиб бўлмайди. Ишлаб чиқарилган планга қўшимча маҳсулот бутун ой давомида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмига «сингиб кетиши»га йўл қўйиб бўлмайди.

Ленинча шанбалик энг аввало юксак уюшқоқлик демакдир. 16 апрель кунида бажариладиган иш ҳажмини тайёрлаб қўйиш ғоят муҳимдир. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз цикли талаб қилмайдиган жойларда одамлар тунгача ишламасликлари ҳам ҳамма ишни қилиши керак.

Шанбаликни босқичма-босқич ўтказиш, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш ишларини олдиндан бошлаб юбориш, 2 ва 9 апрель шанба кунларида эса кўп сменали иш режими жорий этилган корхоналарда зарбдор меҳнат вахталарини ўтказиш лозим.

16 апрель шиорлар ва транспарантлар сони жиҳатидан эмас, ўз моҳияти билан байрам бўлиб қолиши керак. Одамлар тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш, уларга хизмат кўрсатилишини, овқатланишини таъминлаш даркор, шу куни қилинган ишларга якун ясаб, шанбалик қатнашчиларига миннатдорчилик билдиришни унутмаслик лозим.

Ўйлаб ўтиришга вақт қолмади. Штаб мажлисида таъкидлаб ўтилганидек ҳозир вазифаларни аниқ белгилаб олиш, ресурсларни тайёрлаб қўйиш, қолоқ участкаларни илғорлар сафига етказиб олиш, шанбаликка тайёргарлик ва уни ўтказиш кенг ошкоралигини таъминлаш зарур. Бу зарбдор меҳнат гаровидир.

(ЎзТАГ).

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

ГЎШТ ЕТИШТИРИШ ЭГАСИНИ ТОПСИН

Партиямиз XXVII съездида чорвачиликни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни концентрациялаш, хўжаликлараро кооперациялаш ва агросаноат интеграциясини кенг ривожлантириш асосида жадал юксалтиришга катта эътибор берилди. Бу тасодифий эмас, албатта. Мамлакат аҳолисини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, Озиқ-овқат программаси режаларининг ижроси ана шу тармоқнинг қай даражада ривожланишига боғлиқ.

Партия съезди қарорларини амалга оширишга республикамизда ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Чунончи, Ўзбекистон чорвадорлари 1990 йилгача гўшт етиштиришни сўйилган вазнда 540—560 минг тоннага етказишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишган.

Бу марраларни забт этиш, республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойи қатнашчилари мурожаатномасида айтилганидек, асосан озуқакорликнинг ривожи, молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш технологиясининг такомиллашуви, колхозлар ва совхозлар мустақиллиги уйғунлашган ҳолда хўжалик ҳисоби принципларининг жорий этилиши билан белгиланади.

Республикамиз жамоат секторида 1987 йилда гўшт етиштириш 328 минг тоннага етди ёки беш йилликнинг икки йилида 4 процент кўпайди. Айтиш керакки, бундай суръатлар аҳоли эҳтиёжини қондиролмайди, республикада қабул қилинган «Гўшт» деб аталган комплекс программасининг бажарилишини таъминламайди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига етиштирилаётган гўшт 20 килограммдан сал ошади — бу иттифоқнинг ўртача кўрсаткичидан анча паст. Беш йиллик режалари ва Озиқ-овқат программасида белгиланган марраларни эгаллаш учун нималар қилинаяпти ва яна нима қилиш керак? Тармоқни жадал ривожлантиришга нима ҳалақит беради, муаммони муваффақиятли ҳал этиш учун қандай чора кўриш лозим? Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети мол ва парранда гўшти етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш бошқармаси бошлиғи Б. САИДҚУЛОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.



— Бўстонқул Саидқулович, суҳбатимизни республика аҳолисини энг кўп қизиқтираётган саволдан бошлай қолайлик: Ўзбекистоннинг гўшт баланси қай ҳолатда, магазинларимиз пештахталарида бу маҳсулот тезроқ кўпайишига умид боғлаш мумкинми? Газетхонларимиз ҳозирча мазкур масалада сезиларли ўзгаришни кузатмаяптилар. Наҳотки, тармоқ ходимлари партия йўл-йўриқлари, Озиқ-овқат программаси ижросига жиддий ёндашмаётган бўлсалар!

— Сизларга хат йўллаётган одамлар тўғри таъкидлашган: шаҳарларимиз ва қишлоқларимизда гўшт маҳсулотлари таъминотида амалда ижобий силжиш рўй бергани йўқ. Гарчи йилдан йилга кўпроқ маҳсулот етиштирилаётган бўлса ҳам. Бунинг сабабларидан бири гўшт ишлаб чиқариш суръатлари ҳозирча эҳтиёжларимиздан анча ортда қолаётганлигидир. Бунинг устига ҳозир республикамизда гўшт етиштиришда ниҳоятда оғир аҳвол содир бўлаяпти. Мана менинг қўлимда Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетининг гўшт етиштириш квартал плани бажарилиши ҳақидаги маълумоти. Унда кўрсатилишича, хўжаликлар биринчи кварталнинг икки ойи мобайнида маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг ярми миқдорида гўшт тайёрлашган, холос. Гўшт етиштиришда кескин ўсишга эришилганда ҳам вазият бу қадар танглашмаган бўларди, деб ўйлайман. Аммо ўсиш йўқ — аксинча, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 процент кам тайёрланган. Гўшт конвейерининг беқарор ишлаши — қийинчиликларимизнинг иккинчи сабаби.

Мардона тан олишимиз керак: энди гўшт таъминоти ёмонлашиши мумкин. Республикамиз аҳолиси бу сўзни ваҳима сифатида қабул қилмасликларини истардим. Албатта, аҳволни ўнглаш учун чоралар кўрилади, лекин жамиятимизда демократиялаш ва ошкоралик шароитларида бу энг тўғри, принципиал жавобдир. Мен шу ўринда одамлар гўшт таъминоти ишига ўз ҳиссаларини қўшишлари, муаммо ечимида иштирок этиш ҳақида ўйлашларини истардим.

Гап энг аввало корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари мавқеини муттасил ўстириш устида бораяпти. Бундай коллективлар ғамхўрлик етарли бўлганда ноёб озиқ-овқат маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини ўзлари таъминлашлари мумкин. Ниҳоят, агросаноат комплекси ходимлари қурултойида жуда тўғри айтилганидек, нега энди қишлоқдаги хонадонларда паррандани боқиш, ҳар бир мактабда қуёнчилик ёки товуқчилик фермаси ташкил этиш мумкин эмас?! Агар гўшт мўл бўлишини хоҳласак, буни вазиятдан чиқишнинг ишончли йўли деб ўйлайман. Ахир бугунги кунда қишлоқларда чорва молига эга бўлмаган хонадонлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Одамлар эса рўзғорга гўштни колхоз ёки совхоз подаси ҳисобидан олишаяпти. Шунинг учун ҳам бизда ички хўжалик эҳтиёжларига мол сўйиш ҳаддан ташқари юқори.

— **Тўғри ахборот бериш — бу яхши, лекин миллионлаб ўзбекистонликлар магазинлар ва бозорлар пештахталарида гўшт маҳсулотлари сероб бўлишини истардилар. Шунинг учун сиздан сўрамоқчиман — аҳволни ўнглаш борасида республика Агросаноат давлат комитетн қандай чоралар кўраяпти, умуман чорвачилигимизда резервлар борми! Масалан, колхозлар ва совхозлар аҳолидан мол сотиб олишни кўпайтирсалар қандай бўладн! Халқдан олинган моллар хўжаликда семиртирилсаю, кейин давлатга топширилса. «Қишлоқ ҳақиқати» бу борада Сирдарё областида кенг иш олиб борилаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилганди.**

— Фикрингизга қўшиламан: бу гўшт ресурсларини тўлдиришнинг муҳим йўли, ундан шубҳасиз самарали фойдаланиш керак. Лекин бирдан-бир чора эмас. Ахир республикамизда Совет ҳокимияти йилларида, айниқса сўнгги беш йилликлар даврида қудратли давлат-колхоз чорвачилик базаси вужудга келди, тармоқни концентрациялаш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш амалга оширилди. Масалан, республикамизда қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқишга ихтисослашган 5 та комплекс, 3 та махсус совхоз, 116 та хўжаликлараро корхона, чўчқа гўшти етиштиришга ихтисослашган 4 та комплекс, 11 та совхоз, қўйларни бўрдоқига боқиш бўйича 11 та комплекс, ҳамда 20 та бройлер паррандачилик фабрикаси ишлаб турибди. Саноатимиз замонавий ишлаб чиқариш бинолари, механизмларга эга, бу жойларда гўшт етиштиришнинг интенсив технологияси жорий этилган. Қолаверса буларда якка хўжаликларга нисбатан анча мустаҳкам озуқа базаси бор. Шундай бир шароитда шахсий секторга кўз тикиш мумкинми? Устига устак вужудга келтирилган қувватлардан жуда ёмон фойдаланилаяпти. Масалан, «Ўзглавживпром»да мол гўшти етиштириш бўйича қувватлардан 80 процент, чўчқа гўшти тайёрлашда 90 процент, хўжаликлараро корхоналарда 74 процент, бройлер фабрикаларида 67 процент, қўйларни бўрдоқига боқиш комплексларида 82 процент фойдаланилаяпти, холос. Уларнинг ёмон ишлаши — аҳолини гўшт билан таъминлашдаги узилишларнинг асосий сабаби. Шунинг учун ҳам ҳозир бизнинг бутун эътиборимиз ихтисослашган хўжаликларга қаратилган. «Модомики биз агросаноат ишлаб чиқаришида жиддий муваффақиятларга эришмоқчи экамиз, — деди М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети июнь (1986 йил) пленумида, — фақат анъанавий йўлларгагина бориб бўлмайди. Биз ресурсларни жамлаш, ҳал қилувчи йўналишларда устунликларни вужудга келтириш, янги хўжалик механизми заминидаги ва бошқарув структурасидаги афзалликлардан моҳирона фойдаланиш йўли билангина самарали ҳаракат қилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантира оламиз, СССР Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оламиз».

Яна далил-исбот керакми?

— **Эътирозларингиз ўринли. Лекин ҳар ҳолда республика гўшт конвейери ҳаракатига нималар тўсқинлик қилаяпти!**

— Гапни республикамизда 1.824 та хўжалик гўшт тайёрлаш планига эга эканлигидан бошлайлик. Уларнинг 632 таси бултур қаздор бўлиб қолди. Энди ўзингиз айтинг: план интизомига риоя қилмаган шу қадар кўп коллективларга нисбатан қандай таъсирчан чора кўриш мумкин? Шахсан мен аниқ айтолмайман. Агар улар битта-иккита бўлганда бошқа гап. Шундан келиб чиқиб, биринчи тавсифимни айтаман. Мен ҳамма хўжаликларимиз давлатга гўшт топшириш бўйича план белгилашларига қўшиламан, лекин улар молларни бўрдоқига боқиш билан шуғулланишларига мутлақо қаршиман. Бу юмушни нуқул шу соҳага ихтисослашган совхозлар ва хўжаликлараро корхоналар зиммасига юклаш керак. Бунинг учун кўп нарса талаб этилмайди — колхозлар ва совхозлардан 15—30 кунлик буқачаларни ва брак қилинган сигирлар ва ғунажинларни олиш, уларни эса подаларни тўлдириш ҳамда сут етиштиришга чорламоқ керак. Ихтисослаштирилган хўжаликларда ишлаб чиқарилган гўштни бузоқ билан таъминланган коллективлар улушига қараб тақсимлаш қийин эмас.

Наҳотки биз ихтисослаштириш ва концентрациялашга қарши бўлсак ёки бу иш ўз афзалликларини амалда кўрсатмадими? Бунга жавобан айтаманки, турғунлик даврида раҳбар кадрлардан чорвачилик бўйича талаб қилиш ва масъулият сусайди, республикамизда бу тармоққа амалда эътибор берилмади, партиянинг ихтисослаштириш ва концентрациялашни ривожлантириш борасидаги йўл-йўриқларини бажариш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Бир қарашда ҳамма гўшт етиштириш билан шуғулланади, ишдаги камчиликлар учун эса кимдан сўрашингизни билмайсиз.

Масалан, ўтган йили давлатга топширилган қорамолнинг ўртача вазни республикада 351 килограмм, ҳар бош чўчқанинг вазни 110, қўй ва эчкининг оғирлиги 43 килограмм бўлди. Қорақалпоғистон АССР, хўжаликларида эса ҳар бош мол бор-йўғи 277 килограмм тош босди. Қашқадарёда бу кўрсаткич 300 килограмм, Сурхондарёда 321 килограммни, Навоий областида ҳар бош қўй 35, Андижонда 39 килограммни ташкил этди.

Аммо ихтисослаштирилган хўжаликларда бу кўрсаткичлар анча юқори. Чунончи, қорамолларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича хўжаликлараро корхоналарда ҳар бош буқа 363 килограмм келди. Фарғона областидаги ихтисослашган хўжаликлар янада дуруст ишлашди — улар бултур топширган молларнинг ҳар бири 450 килограммга етди. Фарғоналиклар тажрибасини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети маъқуллаганлигини эслаб ўтишимиз ортиқчалик қилмайди.

«Узглавживпром» совхозларидаги нетижалар ҳам диққатга сазовор. Бултур бу хўжаликларда давлатга топширилган ҳар бош қорамол 407 килограмм, ҳар бош чўчқа 114 килограммданга тўғри келди.

Тажриба қайси йўлдан бориш кераклигини аниқ кўрсатади, уни менсимаслик қийинчиликларимизни янада мураккаблаштириш демакдир.

Энди кейинги масалага ўтсак. Гўшт етиштириш учун энг аввало мол керак. Республика хўжаликлари эса кейинги пайтларда уларнинг сонини оширишга кам эътибор бераяптилар. Масалан, ҳозирги пайтда қорамоллар, жумладан сигирлар сони 1985 йилдаги даражада турибди, қўйлар эса 700 минг бошга камайиб кетди...

— **Бўстонқул Саидқулович, кечирасиз, газетамиз республиканинг бир қатор хўжаликларн моллар бош сонини қисқартирган ҳолда сут етиштиришни тубдан кўпайтиришга эришаётганликлари ҳақида мақолалар берди. Редакция папкасида молларни камайтириб гўшт планини муваффақиятли бажариш мумкинлиги ҳақида материал тайёр. Сиз кўзлаган мўлжал тўғрими, чорвадорларимизга: бизни фермангизда қанча мол боқаётганингиз қизиқтирмайди, лекин сут, гўшт топшириш планларини бажаришингиз шарт, деб айтиш пайти келмадимикан! Республика Агросаноат давлат комитети қачон пировард натижани кўзлаб иш юритади ва бошқалардан шуни талаб қилади!**

— Мен газетангизда берилган ўша мақолаларни ўқидим, умуман масаланинг қўйилиши тўғри. Лекин бутун республика чорвадорларини ана шунга йўналтириш ўринлимикан? Ўз фикримни қуйидаги далил билан исботлашга ҳаракат қиламан.

Биринчидан, ўшандай ишлаш етарли даражада йўлга қўйиш қийин бўлган кичик фермаларимиз маълум маънода имкон бермаяпти. Бунақа фермалар республикада анча-мунча. Масалан, Тошкент областида 135 та фермада 300 бошдан кам сигир сақланади, кичик фермалар Қашқадарё ва Бухородa 122 тадан, Қорақалпоғистонда 113 та. Булардан ташқари республикада ҳар бири 44 килограммдан гўшт берган чўчқага эга 573 та майда ферма мавжуд.

Шундай бир шароитда подалар сонини камайтириш ҳақида гапириб бўладими? Вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли сутчилик фермаларини нар бузоқлардан халос қилиш, урғочи моллар бош сонини кўпайтириш, майда фермаларни йирик ихтисослаштирилган хўжаликларда концентрациялашдир.

Иккинчидан, республика аҳолисининг гўшт маҳсулотларига эҳтиёжи тинмай ошиб бораяпти. Бу масала ҳам лоақал яқин истиқбол ҳақида ўйлашга чорлайди. Агросаноатнинг жойлардаги ташкилотлари подаларни тўлдиришни яхшилаш бўйича туб чоралар кўрибгина қолмай, моллари ички хўжалик эҳтиёжларига сўйиш, нокиришдилар. Бу озми ёки кўпми— баҳслашмоқчи эсмаман, келинг, шунча емиш етадими-йўқми деган саволга жавоб излайлик. Ушбу рақамларга назар ташланг.

Кейинги икки йил мобайнида республикада мол ва парранда гўшти тайёрлаш ҳажми 12 процент, озуқа экинлари майдонлари эса атиги 9 процент ошди. Утган йили хўжаликлар озуқа экинлари экиш планини 98 процент бажаришди. Уларнинг кайфиятида ҳозир ҳам кўтаринкилик сезилмаяпти. Энг аввало пахта майдонларини қисқартириш эвазига ем-хашак даласи кенгайиши керак, колхозлар ва совхозлар эса шу кунларда беда экиш борасида кечириб бўлмас даражада сусткашликка йўл қўяяптилар.

Юқори маҳсулдорликка эришиш учун озуқани кўпайтириш керак, деган оддий ҳақиқат, азалдан ҳаммага маълум. Лекин биз ҳувуллаб ётган охурлар олдидаги моллардан кўп гўшт олишга уринаяпмиз. Ҳозирги пайтда фақат соғин сигирлар, урғочи моллар нормага яқин рационни олаётгани, бузоқларга эса ундан қолгани берилаётгани сир эмас...

1988 йилда мол ва парранда гўшти тайёрлаш тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(тонна ҳисобида)

	Давлат харид плани	Шу йил 16 мартгача топширилган	Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан + —
Қорақалпоғистон			
АССР	23.100	6.315	+ 64
Андижон	24.900	4.223	+ 785
Бухоро	22.600	3.117	+ 125
Жиззах	30.500	8.105	— 204
Қашқадарё	41.000	7.013	—1.386
Навоий	27.800	3.286	— 478
Наманган	16.300	4.050	+ 146
Самарқанд	47.000	9.280	—1.586
Сурхондарё	28.500	5.024	—1.340
Сирдарё	14.500	3.193	— 687
Тошкент	58.200	11.954	+ 975
Фарғона	22.400	5.150	+ 186
Хоразм	13.200	3.109	+ 383
Республика бўйича	370.000	73.819	—3.017

— **Жамоат чорвасини озуқа билан таъминлаш сизни жуда қаяжонлантиришн сезилиб турибди. Лекин тармоқ ходимлари ва газетамизнинг бошқа муштарийлари шундай саволни ўртага қўйишади: бунинг учун кимдан сўралиши керак, нега ҳанузгача қатъий талаб қилинмаганлигида ким айбдор!**

— Бир неча йил илгари тармоққа қандай муносабатда бўлинганн ва бунда ким айбдорлиги маълум. Лекин эскича услублар рўйи-рост қораланган, тармоқни катта йўлга олиб чиқиш омиллари аниқ айтилган ҳозирги пайтда ҳамон раҳбар ходимларнинг ўрганган одатларига чек қўйилмаганлиги бошқа масала. Ўтган йили текширишдан ўтказилган 60 та районда ўн минглаб гектар ортиқча пахта майдонлари аниқланган, озуқа экинлари даласи эса шу ҳисобдан кам. Ерга ва алмашлаб экишга ўзгабилармонлик нуқтаи назаридан ёндашиш, хўжаликнинг барча тармоқларини бирдай ривожлантириш ўрнига нуқул чигит экиш қораланган ҳозирги пайтда нега бу рўй бераяпти? Эскича усулни турғунлик даврида тарбия кўрган хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, агросаноат ташкилотлари ходимлари давом эттиришаяпти...

— Узоққа бориб нима қиламиз, республика Агросаноат давлат комитетига назар ташлайлик. Унинг таркибида озуқа етиштириш ва ундан фойдаланиш бўйича махсус бошқармалар мавжуд. Улардан бири деҳқончилик бош бошқармасига, иккинчиси эса чорвачилик бош бошқармасига қарайди. Иш манфаатлари ҳар иккала бўлинмани бирлаштириш ва чорвачилик бош бошқармасига бўйсундиришни тақозо этади. Бироқ агропромнинг деҳқончилик қанотн бунга бутун вужуди билан қаршилик қилаётганга ўхшайдн. Табиийки, озуқакорлик бошқармаси унга қараса, зарурат туғилганда азбаройн эҳтиёт шарт ёки шону шуҳрат учун ем-хашак даласига чигит қадаш мумкин бўлади...

— Сизга бошқа бир мисол келтирай. Гўшт етиштириш бўйича улкан коллективлар — хўжаликлараро корхоналар ва «Узглавживпром»нинг совхозлари ўтган йили мутаносиб равишда 29 минг ва 52 минг тонна гўшт сотдилар. Лекин ундан олинган самара янада юқори бўлиши мумкин эди. Гап шундаки, хўжаликлараро корхоналарнинг озуқага эҳтиёжи 56 процент ва совхозларники 85 процент қондирилди. Нега энди кўп йиллардан буён бу хўжаликлардаги молларни ярим оч ҳолда сақлаш керак? Ахир республика раҳбар органларининг уларга ер майдони ажратиш ва янги ер ўзлаштириш ҳақидаги ҳужжатлари бор-ку? Гап шундаки, Жиззах ва Бухоро областлари, Қорақалпоғистон АССРда бу ҳужжатларни шунчаки ёрлиқ сифатида қабул қилишган. Бўлмаса уларда талабга нисбатан атиги 6—28 процент экинзор ажратилармиди?! Умуман республика бўйича бу хўжаликлар эга бўлган озуқа майдони керагига нисбатан ярмидан ошмайди.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Госкомводстрой», «Главсредазирсовхозстрой» ҳам шу йўлдан бориб «Узглавживпром» тузилгандан буён ўтган 17 йил мобайнида кўп эмас, оз эмас... 26 процент ер ўзлаштириб беришди.

Давлат йўли билан олинадиган омихта ем ҳақида икки оғиз сўз. Бундай емиш жуда чекланган миқдорда берилаяпти. Республикада донли озуқа етиштиришни кўпайтириш имкониятлари ҳам томоққа бориб тақалган. Натижада саноат асосида гўшт етиштираётган коллективларнинг концентрат озуқага бўлган эҳтиёжи 50 процент, қолганларида эса 20 процент қондирилаяпти. Нима қилиш керак? Бундай ҳолатларда чорвадорларга планлаштирувчи ташкилотлар ёрдам беришлари керак чоғи. Улар гўшт етиштиришни интенсивлаш учун омихта ем фондларини излаб топишлари ёки ҳеч бўлмаганда республикамиз хўжаликларига ўзимизда ишлаб чиқарилаётган кунжарасининг 3—4 процентини эмас, лоақал учдан бир қисмини ўтказишлари керак. Ўзбекистон ССР Давлат план комитети эса бошини қотириб ўтирмай қаламнинг учи билан Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд областлари, Қорақалпоғистон АССРга мол ва паррандa гўшти харид қилиш ҳажмини ёзиб қўяди. Умуман республикада мавжуд ресурслар ҳисобга олинмасдан план тузилмоқда. Планлаштирувчи идораннинг билгани шу —улар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга масъул эмас. Лекин шундай муносабат билан халқнинг қозонида гўшт кўпайиб қоладими?

Агросаноат Давлат комитети озуқакорликка муносабатни тубдан ўзгартиришни вазиятдан чиқишнинг йўли деб ҳисоблайди. Ем-хашак етиштиришга тармоқ тусини бериш, ҳар гектар емиш даласининг самарасини 80 центнер озуқа бирлигигача етказиш зарур. Ҳар бир хўжалик чорва молларининг озуқага бўлган эҳтиёжини ўзи таъминламоғи керак.

— **Сизнинг назарингизда вазиятдан чиқишнинг аниқ йўли нимада! Мен шошиб-пишиб қабул қилинадиган тадбирлар ҳақида эмас, балки аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни дуруст йўлга қўйишга ёрдам берадиган, тармоқда ишни яхшилайдиган чоралар ҳусусида гапкриб беришингизни сўрамоқчи эдим...**

— Республикамиз ва умуман мамлакатда кўп йиллик тажриба чорвачилик маҳсулотларини саноат негизида етиштириш катта афзалликлар бериши аққол кўрсатди. Бунда анъанавий усулга нисбатан молларни сақлаш учун озуқа, меҳнат сарфи камаяди, маҳсулот таннарҳи арзонлашади, гўшт етиштириш кескин кўпаяди. Ҳозирги пайтда бутун мамлакат бўйича чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни тармоқни саноат асосига ўтказиш ҳисобига интенсивлаш сари йўл олинган. Биз ҳам бу борада ортда қолмаслигимиз керак.

Гўшт етиштиришни ихтисослашган хўжаликлар ва комплексларда концентрациялаш зарур. Дарвоқе, бу ҳақда республика агросаноат комплекси ходимлари қурултойида ҳам гапирилди. Бўлим хўжаликларида ҳар бир ходим ҳисобига кўп тармоқли хўжаликларга нисбатан 2— 4 баробар кўп гўшт етиштирилади, озуқа сарфи эса 1,3 —2 ҳисса кам бўлади. Масалан, «Узглавживпром» бўлинмаларидаги коллективларда бултур бошқа хўжаликларга нисбатан ҳар бош қорамолнинг кунлик ўртача семириши 207 грамм, чўчқаларники эса 31 грамм кўп бўлди. Бу устунликка энг аввало ходимларнинг юксак малакаси, саноатлашган технологияни ўзлаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг истиқболли шаклларини кенг қўлланиш эвазига эришилди. Ана шу системадаги бўлинмаларнинг 87 процентн пудратнинг турли кўринишларини қабул қилган. Бу фақат ўтган йилдаёқ гўшт етиштиришни 4 минг тонна кўпайтириш, ҳар бир ходим ҳисобига маҳсулот тайёрлашни 8 процент ошириш, қарийб икки миллион сўмлик иш ҳақини тежаш имконини берди.

Гўшт етиштиришни интенсивлаш шунга ихтисослашган комплекслар, бройлер паррандачилик фабрикалари қурилишини давом эттиришни тақозо қилади. Ҳолбуки, республикамизда 1981 йилдан буён ён кўзда тутилган 30 та комплексдан атиги 7 таси ишга туширилди, яна шунчаси қурилмоқда, 16 тасини тиклашга эса киришилгани ҳам йўқ.

Қурилишда ҳам қурилиш бор. Секин қуриш электр ва иссиқлик таъминотини нариги дан бери йўлга қўйиш, тозалаш иншоотларини номига ўрнатишдан нима фойда? Масалан, Тошкент областидаги «Новомихайловский» давлат наслчилик заводи 1985 йилдаёқ ишга туширилиши керак эди, бу ерда маблағларнинг эндигина 80 процентн ўзлаштирилди. Қорақалпоғистондаги Тельман номли чўчқачилик комплексида ҳам аҳвол шундай — корхона иккинчи йил маҳсулот бериши керак, аслида эса қурилиш-монтаж ишларининг 26 процентн бажарилди, холос.

Бир йўла айта қолай, ишнинг бу даражада ўлда-жўлдалигига сабаб, қурилиш, ремонт-тиклаш юмушлари, комплексларни моддий-техник таъминлаш яқиндан эътиборан область агросаноат комитетлари зиммасига юкланганлигидадир. Бу тажриба ўзини оқламаганлигини тан олиш лозим. Областлардаги агросаноат комитетлари бу масалаларни малакали ҳал этолмайдилар, бунинг учун фурсат ҳам етмайди — қўнимсизлик кўп. Район агросаноат бирлашмалари эса ихтисослаштирилган хўжаликларнинг масалаларини ечишга умуман қодир эмаслар. 44 та гўшт етиштирадиган совхоз фаолияти бунга, яққол мисол бўла олади.

Улар ўтган йили давлатга ҳаммаси бўлиб 11 минг тонна гўшт топширдилар, план 75 процент бажарилди. Маромига етказиб семиртирмасдан топширилган молдан кўрилган зарар 3.800 тоннани ташкил этди. Хўш, нега бу ҳол рўй берди? Чунки агросаноат комитети жойларда уларга ҳеч қандай амалий кўмак кўрсатмайди, аммо совхозлардан нафақат гўшт, балки сут, дон талаб қилади. Қўйчилик комплексларимизда ҳам шундай аҳвол ҳукмрон.

— **Афтидан сиз тармоқни реконструкциялашда ташкилий тадбирларни ҳам таклиф қилмоқчисиз. Агар шундай бўлса сўрашга ижозат этинг, бу таклифларингиз партиянинг бошқарув идораларини қисқартириш ва иш услубини такомиллаштириш сари бошлаган йўли билан мос келадими! Эрта-кнднн ана шу масала республика Агросаноат давлат комитетига ҳам етиб борар...**

— Мен нафақат мос келади, балки тўласинча жавоб беради деб умид қиламан. Ахир бу таклифларни фақат ўз номимдан эмас, аппаратимизнинг бошқа ходимлари, олимлар номидан ҳам айтаяпман. Аслида мен айтган гапда янгилик йўқ.

Мавжуд базаларда гўшт етиштиришни янада кўпайтириш бу иш билан машғул бўлган республикадаги барча бўлинмаларга қараши керак бўлган ягона ташкилот тузилгандагина рўёбга чиқиши мумкин. Мен ҳали суҳбатимизда хўжаликлараро корхоналар, ихтисослашган комплекс ва совхозлар сонини айтган эдим. Республикамизда гўштнинг ягона соҳиби бўлмоғи шарт. Шундай идора бор: «Узглавживпром». Агар у барча ресурсларни ўз қўлида тўпласа гўшт конвейерини йўлга қўйиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети муаммони шу тахлитда ҳал этиш орқали шошилаяптими ёки имиллаяптими— аниқ бир нарса дейишим қийин— лекин ҳаёт бизни шошилтирмоқда. Масалан, куни кеча бизга Самарқанд области партия, совет ташкилотларидан шундай хат тушди. Уни айнан келтираман: «...Комплекслар зиммасига моддий-техник хизмат кўрсатиш суст йўлга қўйилиши ва юқори малакали раҳбарликнинг йўқлиги маҳсулот етиштиришни саноат асосида ташкил этишга имкон бермайди, комплексларнинг қувватидан тўласинча фойдаланилмаяпти, молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш муддатлари бузилаяпти.

Мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиб, саноат асосидаги ишлаб чиқаришга ўтиш ва малакали раҳбарликни таъминлаш мақсадларида Самарқанд, Паст Дарғом, Иштихон районларидаги молларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича хўжаликлараро корхоналарни «Узглавживпром» тасарруфига ўтказишларингизни сўраймиз».

Бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ: иш манфаатлари мазкур таклифга рози бўлишни тақозо этади.

Биз назарда тутган ташкилот, балки республика агрофирмаси ёки «Гўшт» ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталар, ерларни ўзлаштиришни планлаштириши, илғор технологияларни жорий этиши, озуқа тайёрлаш билан шуғулланиши, тасарруфидаги бўлинмалар қурилишларига раҳбарлик қилиши керак. Ўз ўзидан равшанки, у давр руҳига мослаб — штатларни кўпайтирмасдан ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва қоплаш шароитида ишлаши лозим.

Бундай ташкилотни тузиш унча ҳам мураккаб эмас. Республикамизда бош бошқарма бор, областларда эса хўжаликлараро бўлимлар мавжуд. Уларнинг ҳаммасини бирлаштириш ва ҳуқуқ ҳамда бурчларини белгилаш, аҳолини етарли миқдорда гўшт билан муттасил таъминлаш зарур. Хуллас, ҳар ким ўз жойида хўжайин бўлмоғи лозим!

Суҳбатни «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири В. ВОРОБЬЕВ олиб борди.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

СУКУНАТ ШАБАДАЛАРИ

Денгизнинг мовий суви қуёшнинг заррин нурида жилваланади. Тўлқинлар жимир-жимир ўйноқлайди. Чағалайлар қанотини қайчи қилиб учади-да, шаҳд билан тўшини сувга теккизади, емишни тишлаганча яна осмону фалакка кўтарилади.

Володя кечадан бери, шу манзарани кузатар, мовий кўзларини бепоён сарҳадлардан узмас, чамаси шу ерга боғланиб қолаётгандек ҳис этарди ўзини. Денгиз унинг учун суянчиқ, фахр, мўъжиза. Шу ерда тутинган дўстлари — балиқчилар, чорвадорлар, геологлар ҳаммаси билан эртанги кун об-ҳавосини ҳам белгилашади. Сокин шабадада сув юзаси бўғланса, демакки, кучли шамол есади, ёки ёмғир ёғади. Чағалайлар кундузи кўринса, яқин орада шамол турмайди.

Бу юртга у бежиз келмаганди. Орол денгизининг ҳайбатли тўлқинлари даҳшат солар, тўлқин кўтарилар, сув шаҳар ва овулларга тез-тез хавф солиб турарди. Ангрен геология-қидирув партияси тог геологияси идораси катта геологи В. Ковалев Мўйноқ кўрфазида сув тошқинларидан ҳимоя қилувчи тўғон қурилиши учун қидирув ишлари олиб борарди.

Орол денгизи бўйлаб дам кемада сузар, дам вертолётда учар, Борсакелмас, Комсомол, Тўқмоқота, Лазарев, Возрождение оролларига борар, Бутаков, Берг, Шевченко кезган ерларни кузатар, уларнинг муқаддас изпари, сўқмоқларини қидирарди.

Володя денгиз баҳонасида тарих саҳифаларини варақлади, ўқиди, ўрганди. У Авестодан Вахш (Амударё) Кенг кўлга, яъни Орол денгизига қуйилишини ўқигач, яйраб кетди. Бу муқаддас китобдаги Кенг кўл Орол денгизи эди.

Грек ва Рим олимлари Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) номларини фахр билан тилга олиб ўтганда бу дарёлар тўлқини уларни мафтун этган бўлса керак. Хитой тарихчиси Чжан-кянь Фарғонадан Балхгача кезиб мамлакатда «Қирғоғи баланд бўлмаган катта кўл ястаниб ётибди. Бу Шимол денгизидир» деб ёзганида қанчалик қувонганикин?!

847 йил. Араб географи Ибн Хордодбекнинг Амударё Орол денгизига қуйилиши ҳақида хабар бериши-чи? Орадан асрлар ўтгач Ибн Руст, Маъсудий, Истаҳрий, Ибн Ховқал ва бошқалар бу ҳақда тўлароқ маълумот берганида тўлқинланганмикан?

Мўғуллар Хоразмни босиб олгач, Амударёнинг Орол денгизидан Сариқамиш кўлига, кейинчалик Каспийга қуйилгани ҳақидаги хабарлар учрайди. «Урганч, — деб ёзади араб географи ал-Умарий, — у (Амударё)нинг икки ўзани туфайли худди чолворга ўхшаб қолган». Форс географи Ҳамдиллоҳ Қазвиний Орол денгизи тузли кўл эканлиги ва Сирдарё ҳамда Амунинг бир қисми унга қуйилишини эслатади.

Инглиз савдогари Антоний Женкинсон Орол денгизи ҳавзасини 1558 йилда картага туширганида ва шундан йигирма йил сўнг Амударё яна Оролга қуйилганлиги ҳақида хабарни ўқиганида Володя ўзида йўқ севинганди.

Хива хони Абдулғозий Баҳодирхон «Шажараи тарокима» асарида туғилмасидан 30 йил муқаддам, яъни 1573 йилда Амударё йўлини Қораўйғур тўқайидан Тук қалъаси томон ўзгартиргани ва Орол денгизига қуя бошлагани, шу сабабли Урганч чўлга айланиши ҳақида ёзади. Унинг асарида илк бор Аму дельтасидаги Орол аниқ кўрсатилган.

1714 йил. Туркман Хўжанафас Пётр I га учраб, Амударё бўйидаги юртда бойликлар кўплиги, бу дарё илгари Каспийга қуйилгани, ҳозир Орол сари оқаётгани, агар тўғон қурилса дарё аввалги ўзанига оқиши мумкинлигини айтади. Шундан сўнг Хивага экспедицияга отланади. Князь Александр Бекович Черкасский бошчилигидаги экспедиция Каспий денгизининг шарқий қирғоғидаги Тўпқўрғон қўлтиғига ўрнашади ва Амударё ҳақидаги маълумотларни тўплайди. Орадан уч йил ўтгач, экспедиция иши муваффақиятсиз тугайди.

Грек савдогари Василий Ватацн 1727—30 йилларда Орол ҳақидаги ҳисоботини шеърий усулда ёзганичи? «Астрахандан йўл олганимиздан сўнг олти ёки етти кун ўтгач биз сира номаълум ва тарихчилар ҳеч қанақа маълумот бермаган денгизда бўлдик. Мен Орол денгизи ҳақида айтаяпман. Бу ерда сувнинг таъмидан кўрдимки, гарчи сув шўрроқ бўлса-да бошқа денгиз сувларидан фарқ қилмайди. Уни айланиб чиқиш учун 30 кун керак. Окс ва Яксарт илгари айтиб келганидек Каспийга эмас, Орол денгизига қуйилади. Мен Орол денгизи ҳақида илк бор Европага маълум қилаяпман, менинг кашфиётим география фанлари билан шуғулланувчи барча олимларда қизиқиш уйғотиши табиий. Биз Хивага йўл ола туриб, Орол денгизи бўйлаб узоқ юрдик». Албатта, Ватацигача Шенк ва Делил харталарида Орол денгизи акс этган эди.

1847 йил. А. Бутаков Орол денгизини географик жиҳатдан характерлаб берди, денгиз харитасини тузди. Володя унинг кундаликларини қизиқиш билан ўқиди.

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Л. Берг Орол денгизида бўлишнинг ўзи бир олам. Володя Орол денгизини тадқиқ этган олимлар, саёҳатчиларнинг ишларини жондили билан кузатади. Мана юзлаб, минглаб одамларнинг меҳрини уйғотган мўъжизавий Орол унинг қаршисида...

Денгиз чайқалади, мовий тўлқинлар ўзига имлайди.

Саккиз йил мана шу туйғу билан яшади, Орол унинг учун мўъжиза, фақат мўъжиза эди. Ўйида ҳам, ўнгида ҳам шу денгиз тўлғанар, ёрдўстларига талпиниб сўзлар, ана шу мўъжиза сирларидан огоҳ бўлишга ундарди. Ям-яшил ўтлоқлар, мовий сувларда балиқларнинг ўйноқлаши, ҳайвонот, қушлар оламида ғаройиботлар бисёрлиги...

Бу томонларга ҳар йили келишни орзу қиларди. Лекин қидирув ишлари, режалар билан бўлиб...

1966 йил. Володя яна Орол бўйида мағрур кезишни орзу қилди. Бироқ у саккиз йил муқаддам бўлган жой анча олисда қолган эди. Атрофга аланглади. Мана шу ер эди шекилли. Денгизга қаради. Сув анча олисдаб кетган, мовий тўлқин бу ердан аранг кўринади. Қамишлар сап-сариқ, чиғаноқлар тўлиб ётарди. Ахёнахёнда қум-тўзон тўзиб, ачимтир ҳид димоққа урилади. Илгари сув тўлиб оққан жойларда машиналар юрар, энди Мўйноқ учун тўғоннинг кераги йўқ эди.

Володянинг кўз олди тиниб кетди. Назарида шу ерда ўйноқлаётган камалак ранглари беркингандай, йўқ, йўқ, уни биров худди тортиб олгандай эди. У қирғоқ бўйлаб дардли, вазмин, оҳиста юрар, хаёлида ғужғон ўйлар чарх урар, ҳозир, шу пайт нима қилишини билолмасди. Қўйин дафтарини қўлга олди. Яқинякинда Орол денгизи олтмиш уч минг квадрат километрни ташкил этарди. Метеостанциянинг кўп йиллик кузатувларича, ҳар йили денгиз суви ярим метргача бугланиб бораяпти. Амударё ва Сирдарёдан келаётган сув ана шу йўқотишни тўлдириб турарди.

Ерларни ўзлаштириш... Қўриқ очиш... Володя шу қуларда рост бўлган бу сўзлар, замирида табиат мувозанати ўзгараётганлигини ҳис этди. Иш шу зайлда бораверса Сирдарё ўзани қуриб қолади-ку. Амударё-чи? Бундан 20—25 йил кейин нима бўлади? Орол денгизини бой бериб қўймаймизми? Бағримиздаги гавҳардан ажралиб қолмаймизми? Кейин ўксинмаймизми? Алам қилмайдими?

Володянинг кўзларидан ёш томди. Аччиқ кўз ёши... У шу кундан эътиборан камғал, камсуқум бўлиб қолди. Ўйлайди, ўйлайди. Қандайдир дард уни эзади, тинчлик бермайди.

Худди шу йили у Орол бўйининг жанубий қисмини прогнозлаш харитасини тузди. Жануби-шарқий Орол бўйи геологияси ва ерости сувларини чуқур ўрганди. Уларда кон бойлиги сочмалари қидирув иши учун келажакда қилинадиган ишларни аниқлади. Бунда Орол Шимолий денгиз бойлигини асраш кўзда тутилганди. Аммо унинг ҳисоботини республика Геология министрлиги денгиз тубига тош тушгандай сақлашга интилди. СССР Қурилиш банкининг аралашуви билангина геология фонди ажратилди, холос.

Бу унинг туйғусини топтаганди. «Ороллнинг ҳалок бўлишига йўл қўймайлик». Шу сўзлар қалбига мухрланиб қолди ва уни «Комсомолец Узбекистана» газетаси саҳифаларига кўчирди. «Тўқайлар ва унда яшовчи жониворлар ҳалок бўлаяпти. Сувга тўшини бериб учувчи қушлар дашт томон кетмоқда. Денгиз портлари, балиқчи посёлкаларн қолмаётир, балиқ овланмаётир.

Орол денгизининг қуриши ва бу ўлка бой табиатининг йўқ қилиниши иқтисодимизга катта зарар келтириши муқаррар. Юз минг квадрат метрлаб яйловларимиз, балиқчилик касби, денгиз кемачилиги йўқолади. Кейинчалик мелиорация ишларини ўтказиш, тупроқ эрозиясига қарши кураш, қумларни мустаҳкамлаш ва яйловларни суғориш учун ҳар йили миллион сўмлаб харажат керак бўлади!»

1968 йилнинг декабрида матбуот орқали худди шундай бонг урилганди. Володя бироз енгил тортди. Матбуот сўзига қулоқ солинар, унга жавоб берилар, деб ўйлаганди. Йўқ, ҳаммаси изсиз қолиб кетди. Устига устак янги ерларни ўзлаштириш авж ола борди. Амударё ва Сирдарё сувн тортилиб қолди.

1969 йил. У бош инженер А. Кияткин билан ҳамкорликда «Вокруг света» журнали саҳифаларида дардини ошкор этди. «Агар Орол қурриса ҳолимиз не кечади?» Володя шу ҳақда ёзди: «Энди ана шуни ўйлайлик. Ўртача чуқурлиги 20—30 метрли чучук сувдан иборат денгиз сувн қуриса албатта бундан даҳшатлиси бўлмайди. Қудуқлардаги ерости бойликлари йўқолади, ўтлоқлар сувсиз қовжирайди. У жуда катта кенгликни қамраб олади. Ғовак тупроқни мустаҳкамлаш иложи қолмайди. Орол бўйида есадиган шамолнинг тезлиги 36 метрга етади, чанг-тўзон кўтарилади. У миллион тонналаб тузларни ҳам учириб кетади. Буларнинг ҳаммаси юзлаб километр далалар бўйлаб ёйилади.

Биз саҳрога йўл очиб берган бўламиз».

Шу йўсинда 1969 йилнинг ёзида Иттифоқ бўйлаб бонг урилган эди. Орадан икки ой ўтгач, «Природа» журнали саҳифаларида «Орол яшайди» мақоласи эълон қилинди. Унинг муаллифи ҳам В. Ковалев эди.

1972 йил. «Денгиз сув сўрайди». «Литературная газета»да яна у ёзди: «Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Мўйноқ шаҳрини Орол денгизининг галаёнли тўфонларидан сақлаш учун унинг қирғоқларига тўғон қурилган эди. Энди эса денгиз суви бир неча километр нарида чайқалмоқда. Аввал сув тўлиб оққан ерларда маҳаллий спортчилар футбол ўйнашмоқда, тўғон эса ишқибозлар учун минбар бўлиб хизмат этаётир».

1963 йили денгиз сатҳи 40 сантиметрга, 1966 йилда эса 2 метр 30 сантиметрга пасайди. Тўғри, 1969 йили ёмғир кўзда тутилганидан икки ҳисса кўп ёғгач, денгиз сатҳи 70 сантиметр кўтарилди, кейинчалик эса яна пастлай бошлади. 1971 йилга келиб яна 40 сантиметрга тушиб қолди.

1975 йил 4 февраль. «Правда» газетасида В. Ковалевнинг журналист Н. Гладков билан ҳамкорликда ёзган «Орол денгизига қандай ёрдам бериш керак!» мақоласи босилиб чиқди. «Орол денгизининг сув сатҳи йил давомида бир метрдан знёд бўгланиб бораётир. Яқингача ана шу йўқотишни дарёлар оқими тўлдириб турар, денгиз денгизлигича қоларди. Аммо кейинги йилларда пахтачилик юксак суръат билан ўсиб, қақраб ётган ерлар ана шу икки дарё сувини талаб қилавериб, бора-бора Оролга оз миқдорда сув оқадиган бўлди.

Энди натижани кўринг: кейинги ўн йилда денгиз сатҳи деярли уч метр пастлади. Бу биринчи навбатда балиқ хўжалигига таъсир кўрсатди: табиий балиқ етиштириш миқёси қисқарди, уни овлаш, айниқса зоғора балиқ, таран, усач турн камайди.

Орол фақат балиқ, ўтлоқдангина иборат эмас, бой ҳайвонот олами ҳамдир. Бу ҳақда Туркманистон ССР Фанлар академияси вице-президенти, ВАСХНИЛ академиги Рабочев шундай деб ёзган эди: «Кенг майдонни қамраган сув миқёси, дарё дельталаридаги сув кўлгина ерқи иқлимини яхшилаб турибди. Шунинг учун Амударё ҳавзасининг шимолий районларида бир миллион тоннага яқин пахта етиштирилмоқда (Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошовуз), совуқ бўлмайдиган муддат 180—190 кунга чўзилмоқда. Шу сабабли бу кенгликларда қўшсевар гўза ўстириш учун иқлим қулай. Орол денгизга дарёлар оз сув қуяётганлиги унинг сатҳини тез пасайтириб юбориши мумкин. Денгиз бугунги қиёфада бўлмай, балки ўзининг термо регуляторлик — ўзлаштириладиган зоналардаги салқин қилувчи иссиқлик режими ролини йўқотиб қўяди».

Булар — ўн беш йил муқаддам айтилган сўзлар. Орол денгизи тақдири ҳақида бонг урган фидойилардан бири Владимир Сергеевич Ковалев ҳали бошига не савдолар тушишидан бехабар эди. У шу мўъжиза, шу денгиз деб йигирма беш йилдан буён олишиб келаётир. Раҳбарлар ҳузурига кирмаган жой, олишмаган майдон, сўзга чиқмаган йиғилиш қолмади. Лекин ҳамон самарасиз...

В. Ковалев «Жанубий ва шарқий Орол бўйи геологияси ҳамда ерости сувлари» мавзуидаги кандидатлик ишини муддатида ёзиб бўлгач, ҳимоя қилмоқчи эди. Лекин у ҳимояни йиллар мобайнида орзиқиб кутди. Володянинг диссертацияси айрим олимлар, бошлиқлар тортмасида чанг босиб ётар, баъзилар бу ишнинг натижаларидан қониқишмасди. Тўғрироғи, ёркин фикрларни ёруғликка чиқаришдан чўчишарди.

Йиллар ўтди, Володя қурашдан толмади. Ниҳоят, 1971 йили кандидатлик илмий ишини ҳимоя қилди. Ёқлади-ю, Орол муаммоларига яна боғланди-қолди. Энди у қуриб бораётган Орол ҳақида қайғуради, яна ташкилотларга чопади, раҳбарлар билан олишади, мулоҳазаларини ўртоқлашади. Аммо у қанчалик қайғурмасин, гаплари иноватга олинмас, меҳрибон Орол ҳамон қуриб бормоқда эди.

1987 йил сентябрь. Геология-минералогия фанлари кандидати В. Ковалев сув ресурслари ва Орол денгизи ҳавзасидаги муаммоларга бағишланган йиғилишда сўзламоқда:

— Халқимизда шундай мақол бор: эскини ўйласанг эсинг кетади. Мен ана шу эски гапларга қайтмоқчи бўлганлигимнинг боиси бор. Негаки, ўша юкларнинг ҳаммаси елкамизда турибди. Кейинги бир неча ўн йилликлар давомида Орол денгизини қуритдик. Ана шунга сабабчилар орасида СССР Фанлар академияси ҳам бор.

Бундан йигирма йил муқаддам Орол денгизи муаммоларига бағишланган тўпламда Геллер ҳеч қанақанги туз учмайди, ҳаммаси меъёрида бўлади, деб ёзганди. Мен буни «Звезда Востока» журналида босилган мақоламда асослаб берганман. Ҳамиша Оролни ҳимоя қилиб келдим...»

Мен унинг Орол денгизи, Орол бўйида яшаётган одамларнинг тақдири ҳақида куюнib сўзлаётганининг гувоҳи эдим. У ҳайвонот, ўсимлик дунёси хусусида жон куйдирарди. У табиатга тош отишга қарши эди. У мусаффо ҳавонинг булғанишига, муқаддас заминнинг емирилишига қарши эди.

— Биласизми, газеталар ҳамон 1,5 метрлик коллектор қазилаётгани ҳақида хабар қилишаяпти, — дейди у. — Бунинг учун қанчадан-қанча маблағ зарур. Яна дренаж тармоқлари-ку! Улар кумликлар орасига сингиб кетмайдими? Мен таклиф киритардим: еримизни шундай тартибга келтирайликки, тоқи унинг шўри ювилмайдиган бўлсин!

Ўзбек деҳқони юқори ҳосил олишга интилади. Ерларимиз эса ҳали бунга мос эмас. Деҳқон билан мелиоратор орасида катта тафовут бор. Аслида улар ўртасида девор бўлмаслиги лозим. Биз кўпгина лойиҳа ишларини бажаришни Агросаноат давлат комитети тасарруфига олиб беришимиз керак. Токи бу ташкилот бажарилган ишнинг сифатини кўргандан кейингина ҳақ тўласин! Ҳозирча лойиҳа ишларининг бажарилиши ярим-ёрти бўлаётир. Яна иккинчи муаммо ҳам бор: «Сариқамиш ва Арнасой сувлари Оролга етиб бориши керак!»

Владимир Сергеевичнинг сўзларини тинглайман-у, ўша турғунлик йилларида ҳам мард, фидойи кишиларнинг дадил бор урганликларини, демак сукунатда ташвиш шабадаси ҳамиша эсиб турганлигини ҳис этаман.

Мирзакарим ПИРМАТОВ.



М. И. Калинин номли Андижон медицина институти — республикамиздаги йирик илм даргоҳларидан бири. Замонавий техника восталари билан қуролланган бу олий ўқув юртида йилига юзлаб юқори малакали тиббиёт ходимлари тайёрланмоқда. Институт базасида 1.550 беморга мўлжалланган клиника ишлаб турибди. Бўлажак врачлар илм сирларини пухта эгаллаш билан бирга бевосита шу ернинг ўзида амалий машғулотлар ҳам ўтказишади.

СУРАТДА: студентлар Жамила Муҳамедова ва Мўътабар Юсуфжонова машғулотларга тайёргарлик кўришаяпти.

Ш. АЛИМОВ фотоси.
(ЎзТАГ).

Билиб қўйган яхши

ЯРМИ АСАЛ, ЯРМИ ҚАНД

Қуёш тик кўтарилиб, найзадек ўткир нурларини ерга соча бошлаганда ҳатто иссиққа чидамли янтоқнинг ҳам сабри битади, жазирамага бардош беролмай қолади.

Саҳро иқлими ғаройиб. Қуёш ўзини уфқ ортига уриши билан салқин тушади. Тонг отмасдан эса теримчилар янтоқзорларга чиқиб, буталар тагига этакларини ёзадилар-да, қўлларидаги таёқларни шохларга уриб, уларнинг мевалари қоқа бошлайдилар. Кейин янтоққнём тайёрлашади. Саҳро ва даштларда яшовчи кишиларнинг айтишларича, янтоқ мевасидан қилинган қиём шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Ўрта Осиёнинг кўпгина чўлларида оддий усулда ичимликлар тайёрлана бошланди. Дастлаб терилган мева ювилиб, тозаланади ва қозонда чой ўрнида қайнатилади.

Олимлар янтоқ ичимлиги устида кўп йил кузатувлар ўтказишиб, у юксак физиологик хосиятга эга эканлигини аниқладилар.

Янги ичимликнинг таъми ёқимли, дала ўтлари каби хушбўй ҳидга эга. Бундан таъсирланган туркман шоири К. Чўлиев янтоққа бағишлаб шеър ёзган. Унда ажойиб бу саҳро ўсимлигидан дам асал, дам жўка ҳиди келиб туриши жўшқин сатрларда тараннум қилинади.

Шоирлар япроқларига шакар сепилган атиргул — гулқандни ҳам мадҳ этиб келишади. Бу бежиз эмас. Кўркамлиги, ёқимли ҳиди билан ҳаммага манзур бу гул япроқларидан Шарқ пазандачилигида ширинлик сифатида фойдаланиб келинган. Буюк Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» достонида «ҳам шароб, ҳам мушк, ҳам атиргул, ҳам заъфарон» қўшилган ажойиб таом тавсиф этилади.

Бир замонлар ширинликларни тайёрловчи усталар —қандолатчилар оламга донг таратганлар. Уларнинг номи шаҳарлар ва эллар ўртасида мунтазам қатнаган карвонлар билан юртдан юртга ўтган. Қандолатчиларнинг ўлмас санъати ҳозиргача сақланиб қолган. Ўрта Осиёдаги йирик шаҳарлар — Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқоннинг сершовқин бозорларида элга армуғон этилаётган ажойиб ширинликлар шундан далолат беради.

Яқинда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида ва «Ўзбекбирлашув» уйида ўтказилган кўрикда Шарқ ширинликларининг анъанавий йиғмаси намойиш этилди. Оқ халва, парварда, бурама гулли ширинликлар ана шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда ўзбек дастурхонини ана шундай неъматлар безамоқда. Уларни Бухоро, Фарғона, Андижон ва Наманган областларида айниқса хуш кўришади.

Андижон областининг Хўжаобод райони марказидаги чойхона, Булоқбошн қишлоғидаги ошхона, Избоскан районидаги «Ойжамол» ресторани қошидаги чойхонада элга турли-туман ширинликлар тортиқ этилаётир. Тошкентдаги Комсомол кўли маданият ва истироҳат боғида жойлашган чойхона қариялар билан эрталабдан гавжум бўлади. Бу ерда ҳам турли хил ширинликлар муҳайё.

Тошкентдаги «Мовий гумбазлар» кафеси эса чет эллик меҳмонлар билан тўлиб кетади. Бу ерда тайёрланган парварда ва новвотлар уларга манзур.

Шарқ ширинликлари, айниқса бурама гулли ёғозчалар, Бухоро шарчалари, печакқанд ва пашмакларни болалар севиб истеъмол қилишади. Уларга маккажўхори қовурмаси— бодроқ ҳам хўп ёқади. Аммо қозир у нимагадир кам пиширилаётган бўлди. Ҳолбуки тайёрлаш йўли жуда осон.

Машҳур ниношта ҳам нима учундир тобора кам учрайдиган бўлиб қолди. Бир вақтлар у дастурхон кўрки эди.

Биз асрлар оша ўша авлоддан авлодга ўтиб келган ажойиб ширинликларни қайтадан «тирилтиришимиз» зарур.

Ф. ФЛОРЕНЦЕВ.

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

ПРЖЕВАЛЬСКИЙ ОТИ ВАТАНИҒА ҚАЙТМОҚДА

Деярли ўттиз йиллик танаффусдан сўнг Пржевальский оти яна ватанига қайтади. 50-йилларнинг ўрталарида йўқолиб кетган ноёб ҳайвонларнинг бир қанчаси Аскания-Нова қўриқхонасидан Монголиянинг жанубида жойлашган Катта Гоби кўриқхонасига келтирилади.

Отлар бир замонлар ўз она ерлари бўлган юрт шарт-шароитига бутунлай кўникиб кетишлари учун бир-икки йил одамлар назоратида бўлади. Кейинчалик уларнинг авлодлари озодликка чиқадилар. Қўриқхона ходимлари олдида отларда ёввойи ҳайвонларга хос табиий инстинктларни уйғотиш ва тараққий эттиришдек оғир вазифа турибди. Акс ҳолда улар яна йўқолиб кетишлари хавфи бор.

Ёввойи Пржевальский отлари дунёнинг турли мамлакатларн ва кўриқхоналарда 400 та атрофида қолган. Бу ҳайвонлар фақат Монголиянинг Гоби саҳросидагина табиий шароитларда яшашган. Шунинг учун уларни бундан буён кўпайтириш учун Монголияга қайтарилиши жамики олимларнинг вазифасидир.

ҚАЛАЙСИЗ РАДИАТОР

Автомобиль радиаторини қимматга тушадиган қалай ишлатмасдан тайёрлаш иложи бормн! Ҳа, мумкин экан. Яқин орада Краков транспорт ускуналари заводи инженерлари ихтиро қилишган двигатель суюқлигини совитиб берувчи қурилма Польшанинг «Полонез» маркали енгил автомобилларида қўлланила бошлайди. Тажриба ва эксплуатация синовлари муваффақиятли ўтди.

Варшава енгил автомобиллар заводи билан шартнома имзолангандан сўнг Краков ватан автомобилсозлигида радиатор етказиб берувчи асосий шаҳар бўлиб қолади. Янги радиатор шунингдек ишлаб чиқаришнинг анча арзонлашувига, пировардида эса автомобиль баҳосининг пасайишига ёрдам беради.


«БОЛТИҚ АТЛАНТИКАСИ»

Болтиқ денгизи Польша соҳилининг Пуца бухтасидаги сувга ғарқ бўлган порт археолог ва тарихчилар учун ҳали ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда. 1977 йилдан бери олиб борилаётган сувости тадқиқотлари давомида бухта тубида ёғоч ва тошдан қурилган ғалатн иншоотларнинг излари аниқланди. Маълум бўлишича, улар қадимда кемалар боғлаб қўйиладиган махсус жойлар қолдиқлари экан. Порт изларн тахминан 16 гектарни эгаллайди. Булардан ташқари илк ўрта аср кемалари қолдиқлари ҳамда Висла ва Одер ҳавзаларидаги ўтроқ славянлар турмуши учун хос бўлган кўплаб сопол буюмлар топилди. Порт эрамизнинг VI—XIII асрларида тараққий этган. Чамаси, бу ерда йирик савдо марказн бўлган. Лекин шу пайтга қадар олимлар манбалардан у ҳақда бирон-бир эслатма қидириб топмадилар.

(АПН).









СЎЛИМ БАҲОР

Емони йўқ баҳор кунининг,
Ҳар они сўлим, дилрабо.
Ўрик дув-дув тўкар гулини,
Чаман: боғлар дер:
«Кел, марҳабо!».

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ
фотолари.

Спорт ахборотн

ФУТБОЛ

Илгари хабар берганимиздек, Қора денгиз бўйида биринчи лига коллективларининг СССР кубоги учун группа мусобақалари ниҳоясига етди. Тошкентнинг «Пахтакор» коллективи Сочи группасида ўйнаган командалар ғолиби бўлди. Тўғри, сўнгги учрашувни пахтакорчилар билан 0:0 ҳисобида дуранг қилган Ланчхутининг «Гурия» командаси ҳам ҳамюртларимиз билан тенг (7) очко тўплади. Аммо вакилларимизда ютуқлар кўплиги учун улар СССР кубогининг келгуси босқичида ўйнаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

«Динамо» командаларининг Самарқандда бир неча кун давом этган Бутуниттифоқ мусобақаси тугади. Ҳал қилувчи финал матчида брянсклик клубдошлари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган Москва динамочилари мазкур командаиинг собиқ дарвозабони, машҳур футболчи Лев Яшин соврининн қўлга киритдилар. Самарқандниинг «Динамо» коллективи эса тўртинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ниҳоясида ғолибларга бош мукофотлар топширилиб, энг яхши ўйинчилар аниқланди. Кировлик дарвозабон Э. Гордеев, брянсклик ҳимоячи О. Сафронов, барнауллик ярим ҳимоячи А. Богатирев, самарқандлик ҳужумчи Ш. Файзиев энг кучли футболчилар деб тан олиниб, совринлар билан тақдирландилар. Динамочилар мусобақасида ҳаммадан кўп тўп киритган самарқандлик яна бир футболчи В. Гуршумов алоҳида мукофот соҳиби бўлди. Ғолибларга ёрлиқларни моҳир дарвозабон Лев Яшиннинг ўзи топшириб, уларни мавсум арафасида эришган муваффақиятлари билан табриклади.

ШАЙБАЛИ ХОККЕЙ

Мамлакат чемпионатининг олий лигасида кучли ўн коллектив олтин медаллар учун курашни давом эттираяпти. Риганинг «Динамо» командаси ўйинлар жадвалининг биринчи погонасини банд этиб, пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Болтиқбўйлик хоккейчилар куни кеча бўлиб ўтган турда юксак ўринлар учун даъвогарлардан бири — Москванинг «Крилья Советов» коллективи устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Бошқа матчлар натижаси: СКА (Ленинград) — «Динамо» (Москва) — 3:5, «Спартак» — «Сокол» — 6:5, «Химик» — «Автомобилист» — 4:2, ЦСКА — «Трактор» — 4:1.

ШАХМАТ

Тошкентда хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди. Охирги турда Мамедованн енган Зинин жамғармасидаги очколарни 9,5 тага етказиб, олтин медаль соҳибаси бўлди. Тўққиз очко тўплаган Ким иккинчи ўринни эгаллади.

Ана шу икки шахматчи СССР чемпионатининг ярим финалига йўлланма олди.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р 08633. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Ч. 1065. Индекс 63123